

Н. Ф. Замяткин

MATRIX METOD

**СИЗГА ХОРИЖИЙ
ТИЛНИ
ҮРГАТИБ БҮЛМАЙДИ!**

**Тошкент
"Университет"
2009**

Муҳтарам китобхон!

"Кўрқинчли" сарлавҳа сизни чўчитмасин!

*Мазкур рисола чет тилларини ўргатиш борасидаги
ҳар қандай китобнинг жуда зерикарли бўлиши ҳақидаги
хаёллардан сизни халос этади. Уни мутолаа қилиши
давомида асло зерикмайсиз ва бемаъни хомуза домига
тушимайсиз.*

*Бу китоб - ҳар бир киши ва ҳамма учун бирдек
қизиқарли ва фойдалидир!*

Тил ўргатиш борасидаги гирром усуллари билан
кишиларнинг вақтини ўгир-лаётган "кўзбойлогич"
ташкилотчилар, "макфий ишоралар" билан савдо
қилув-чи олгирлар, бир кунда уч дақиқагина шугулланиши
билин сизга тилни мукаммал ўргатиб қўйишни ваъда
қилаётган ва "омад келтирувчи китобча"лари билан
машҳур бўлган нодон "ёзувчилар" ўзларининг биринчи
раками душманлари ушибу китоб муаллифини яхии
таниб олсинлар.

Бу китоб барча чет тиллари ўқитувчилари,
ўқувчилар, талабалар, тил ўрганиши иштиеқида бўлган
ва бу йўлда муваффақиятга эришимоқ ҳаракатидаги
ҳамма-ҳамма учундир.

Николай Федорович Замяткин

СИЗГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИБ БЎЛМАЙДИ!

**Русчадан Комилова Дилфузда Шавкатовна
ўзбек тилига таржима қилди.**

Муҳаррир Муҳиддин Омон

Босишига рухсат этилди. 22.01.2009 й. Бичими 60x84 ¹/₁₆
Нашриёт ҳисоб табоги 3,3. Шартли босма табоги 5,6.
Адади 500 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Буюртма № 39

"Университет" нашриёти. Тошкент-100174. Талабалар
шахарчаси.
ЎзМУ маъмурий бино. 2-қават, 7-хона.

Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг "GROTEKS"
босмахонасида босилди.

18ВИ-978-9943-305-01 -02-1

© "Водий Ёғдуси" ўқув маркази, 2009 й.
© "Университет" нашриёти, 2009 й.

МУВАФАҚИЯТЛАР КИТОБИ

Мазкур рисола қисқа вақт ичида китобхонлар оммасини ўзига жалб эта олган, ибтидосидан то сўнгги нуқтасигача тил ўрганиш иштиёқида юрганлар учун ўта зарур ҳар қандай киши онгидаги ўзига хос инқилоб ясадиган қўлланмадир.

У сизни деярли самара бермайдиган эски усулларга ўралалиш, вақтни ва ўзингизга бўлган ишончни йўқотиш хавфидан асрайди.

Чет тилини ўрганаётган ёки ўрганмоқчи бўлган ҳар бир киши ушбу китоб билан танишмоги шарт. Негаки, у тил ўрганиш борасидаги хақиқатлар баёнидир.

Мактабда олий ўкув юртларида чет тилини «ўрганганд» ва алалоқибат ўзида тил ўрганишга бўлган уқувсизликни «кашф қилган», ўқитиши тизимишининг эски чегараларидан чиқа олмаётган ҳар бир одам мазкур китобни мутолаа қилгач, неча йиллик уринишларининг нима учун бесамар кетган-лигини англаб етади.

Рисолада таклиф этилаётган йўналишлар чет тили ўқитувчилари учун ҳам айни муддаодир.

Бу китоб - ҳамма учун!

Китоб муаллифи эса (ўзи тан олганидек) тил ўргатишнинг фирмом усулларини таклиф қилувчиларнинг биринчи рақамли душманидир.

Муаллиф бир неча тилларни мукаммал билади ва сизга ҳам синовдан муваффақиятли ўтган, ишончли усулларни таклиф қилмоқда.

Тил ўрганиш борасидаги ниятларингиз жиддийми?

Ўз имкониятларингизни муносиб баҳолай оласизми?

Ундей бўлса, муваффақиятлар дунёсига хуш келибсиз!

Таржимон

СИЗГА ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАТИБ БЎЛМАЙДИ!

Ажабланаётганингиз ажабланарли эмас, мухтарам ўқувчим. Албатта, турли дастурларга асосланган қўлланмалар, луғатлар, исталган чет тилини бир неча ойларда ўргатишни ваъда қилаётган тил ўргатиш курслари, тил ўрганишнинг осон усулларини таклиф

қилаётган ўқитувчилар ва тил ўрганиш учун елиб-югуратын тенгдошларингиз қуршовида турган пайтингизда бу гап сизга ёқимсиз сюрприз бўлди-да. Мен эса бундан хурсандман. Негаки, рисоламда бу каби сюрпризлар ҳали талай. Фақат сиз хулоса чиқаришга шошилманг. Китобни бир четга улоқтиришдан ва фикрларимга эътиroz билдиришдан ўзингизни тийинг. Чунки мен сизга дунёдаги ягона тўғри усул - ўз-ўзини ўқитиш усулинин таклиф қилмоқдаман.

Ҳа, ҳеч ким, ҳеч қачон, ҳатто энг яхши шароитлар яратиб берилган тақдирда ҳам сизга ҳеч бир тилни ўзингиз-ўзингизга ўргатганингиздек ўргата олмайди.

Аксарият одамлар тил ўрганиш мобайнида бу иш ўзлари учун эмаслигини «кашф» қила бошлайдилар. Ҳолбуки, улар мактабда, олий ўқув юртларида тил ўрганиш учун астойдил уринган эдилар. Охир-оқибатда кўришса-ки, бир неча жумлаларни чала-чулпа таржима қилиш лаёқатига эришишибди холос. *Nega?* Чунки улар зерикарли маъruzалар, илмий жумлалар, келишиклар, сон-саноқсиз қўшимчаларга тўлиб-тошган тилшунослик йўлини ҳеч бир аниқ мақсадларсиз, шунчаки,

бажариш лозим бўлгани учунгина босиб ўтишди. Тўғрироғи, шунга уринишди. Мажбурийлик туфайли ёд олишингиз лозим бўлган луғатлар, чиройли (усти ялтироқ...) қўлланмалар, чет тилини тезкор ўргатиш усулларини таклиф қилувчи китоблар - ҳаммаси бир пулга қиммат!

Мен умрим давомида чет тилини асл моҳият асосида ўрганишни таклиф қилувчи ҳеч бир курсни ёхуд дастурни кўрганим йўқ. Аксарият курслар ҳеч қандай таҳлилларсиз, «темир қоида»лар асосида таълим берадилар ва натижада биз бир неча йиллар давомида ўзга тилнинг туманли йўлларида бесамар изғиймиз. Бизга узоқ йиллик, аммо кам натижали усулларни ёки ҳали амалда синаб кўрилмаган янги усулларни таклиф қиладилар.

Бир кунда бир неча соат шуғулланиш билан ҳеч қайси тилни ўрганиб бўлмайди. Бу нарса консерва банкасида океанда сузишдай бир гап.

Тил ўрганиш соҳасида мўъжизалар жуда ноёб бўлади. Шу ҳолингизда эса сиз билан бундай ҳол умуман содир бўлмайди. Бунга ҳатто умид ҳам қилманг. Сизни ўта машаққатли ва узоқ давом этувчи машғулотлар кутяпти. Бу ишга жиддий киришмоғингиз керак, албатта.

Дарвоке, сиз муваффақиятсизликнинг аччиқ таъмини тотиб кўрган одамга эришилган муваффақиятнинг мазаси асалдан ҳам тотли туюлишини асло унутманг. Бу дунёда ҳамма нарсага меҳнат ва машаққат билан эришилади.

Яна такрорлайман, тил ўрганиш бўйича мукаммал қўлланма ҳали яратилган эмас. Тўғри, яхши дастурли қўлланмалар бор. Аммо... келинг, муқояса қилиб кўрайлик. Айтайлик, китобларда сизга чойнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида уқтирадилар. Лекин уни қандай дамлаш, қачон ва қай тариқа, қанча миқдорда истеъмол қилинганда фойда бериши ҳақида тўхталмаганлар. Сиз кунига литрлаб чой ичасиз ва организмингиз учун фойдали суюқлик истеъмол қиляпман, деб ўйлайсиз. Унинг зарарли томонлари ҳам борлиги тўғрисида ўйлаб кўрмагансиз. Ана, ҳамма шун-дай қиляпти-ку, деяпсиз, тўғрими? Жумладан, тил ўрганиш борасида ҳам қараашларингиз шундай.

Сиз энг мукаммал ҳисобланадиган қўлланмани топдингиз ҳам дейлик. Шунда ҳам унутманг-ки, сизнинг мақсадингиз китобни ва унда битил-ганларни ўрганиш эмас, тилни ўрганишдир!

Модомики, китобни ўрганиш билан тилни ўрганишни бир-бирига киёслаб бўлмас экан, демак, ҳушёрроқ бўлишингиз лозим. Сиз огоҳлантириш-ларимни инобатга олаверинг. Чунки кўп жилдли китобларни сатрма-сатр ўрганиб ва ёд олиб ҳам ўрганаётган тилингизда равон сўзлаша олмасдан ўзингиз албатта шундай хulosага келасиз. Факат бу пайтда қимматли вақтингизга қўшиб ўзингизга бўлган ишончни ҳам йўқотган бўласиз.

Узоқ йиллар давомида шундай хulosага келдим-ки, тил ўрганиш усуллари тушунарли, мантикли, ўта содда ва оддий бўлиши шарт. Аммо ҳеч қачон осон бўлмайди. Агар сизга бунинг аксини таклиф қилсалар, билинг-ки рўпарангизда вақт ўғриси турибди.

Ҳа, мен буни сизга узоқ йиллар давомида АҚШда истиқомат қилган, кўп тилларни мустақил ва мукаммал ўргангандин инсон, чет тиллар факультетининг иқтидорли битирувчиси, кўп йиллар таржимонлик соҳасида меҳнат қилган, америкалик «яшил беретлар»га тил ўргатган ўқитувчи, ҳарбий разведкачи, МРБ ва сиз ҳали ҳеч қачон номини ҳам эшитмаган, МРБдан кўра муҳим ва яширин ташкилот ҳисобланадиган МРБ агенти, АҚШ Мудофаа

Вазирлигининг Монтерейдаги хорижий тиллар институтида ишлаган мутахассис сифатида айтяпман. Зоро, бу институт дунёдаги энг нуфузли ўқув даргоҳларидан ҳисобланади.

Энди мақсадга қайтайлик.

Нимадан бошламоқ керак? (Бу ахборотлар нодонлар учун эмас!)

Энг аввало сизда ўзингизга тил ўрганиш борасида кучли лаёқат бўлиши керак. Шунчаки хоҳиш, истак - бу ҳали ҳеч нарса эмас. Рухсатингиз билан, тил ўрганишга бўлган кучли иштиёқ борасидаги ўз қарашларимни баён этсам.

Иштиёқка ҳеч қандай мажбурийлик бўлмайди. У ҳозир урф бўлганидек, магнитофон қулоқчинини тақиб, дикторнинг ҳиссиз овозига жўр бўлиб, кўр-кўrona тил айлантириш эмас. Чет тилидаги кинофильмларни таржимасиз кўришга уриниб, миянгизни зўриқтиришингиз ҳам тил ўрганишга бўлган иштиёқингиздан дарак бермайди. Машғулот мобайнида соат милларига ҳасратли нигоҳ ташлашингиз эса сизнинг бу ерда ортиқча эканлигиниз белгисидир. Машғулот тугагани сабабли енгил тин олаётган бўлсангиз, сизга битта дўстона маслаҳатим, бу дунёда шундок ҳам чегаралаб

берилган вактингизни иштиёқларингизни оловлантирувчи ва наф келтирувчи бошқа ишларга сарфлаганингиз маъқул.

Иштиёқ - бу тил ўрганишини чин юракдан севишингиз ва жон-жашдингиз билан унга интилишингиздир. Агар шундай бўлмаса, бу машғулотни ўз вақтида тўхтаганингиз яхши.

Мен тақрорлашдан чарчамайман, сизга ҳатто энг зўр профессор ҳам хорижий тилни ўзингизга ўргатганингиздай ўргата олмайди. Мабодо сиз замонавий жиҳозланган тил ўргатиш марказларигина мушкулимни осон қила олади, десангиз янгишасиз. Сиз иштиёқсиз одам бўлсангиз, курсларга келасиз ва қулай ўриндиқларга ўрнашиб олиб, қуйидагича ўй билан кута бошлайсиз: «Қани, менга фалон тилни ўргатингларчи! Сарфлаган пулимга ачинмаслигим учун нималар қила оласизлар?»

Модомики, сиз тилни менга кимдир ўргатиб қўяди, деган фикрдан халос бўлмас экансиз, ҳатто ўз она тилингизни ҳам тўлиқ ўргана олмайсиз.

Ҳаётда нимагадир эришишнинг яна бир шарти эса ўзингизни ношуд деб ҳисоблашга барҳам беришдир. Чунки сиз ҳеч ҳам ношуд эмассиз. Фақат «мен буни уddaрай олмайман»

деган ноўрин фикр ич-этингизни кемириб ётиби. Бу эса ичингиздаги сизга қарши ишлайдиган тизимдир. Атрофга эътибор беринг. Тил ўргатиш курсларидағи ҳамхоналарингиз сони тобора камайиб бормоқда? Демак, тизим ишляяпти. Сиз эса таслим бўлманг!

Кўникишимизга тўғри келади. Бизда маҳсус ўқиш усулларини ўргатувчи дарслар ва дарсликлар йўқ. Ҳамма кўзлаган ниятига ўзича, ўз билганини қилиб, бир амаллаб эришади. Сиз ҳам ўз имкониятларингизга таянинг. *Мехнат ва фақат меҳнат билангина ҳамма нарсага эришиши мумкин.*

Хўш, айтайлик сизда иштиёқ ва интилиш бор. Энди аввало, нима қилиш кераклигини аниқлаштириб олайлик. Биринчи навбатда, ўрганаётган тилингизга оид энг катта ва қалин луғатни топасиз ҳамда сўзларни алифбо тартибида бирма-бир ёд оласиз. Тилда энг асосий ўринни сўзлар эгаллаши ҳаммага маълум. Демак, ишни луғат ёдлашдан бошлар эканмизда.

Асло йўқ! Ҳеч ҳам ундаи эмас! Бу аҳмоқона кўрсатмани дарҳол унунинг! Мен сал ўринсиз ҳазил қилдим шекилли. Ахир бу сийқа усулдан воз кечиш пайти аллақачон келган. Деярли

ҳамма ўқитувчилар ишни луғат ёдлатишдан бошлайдилар.

Ўқитувчи ва ўрганувчи дўстларимдан ўтинаман, асло бундай қилманг! Ҳеч қачон!

Чет тилини ўрганиш - сўзларнинг асл маъносини тушунмай туриб, кўр-кўрона ёд олиши дегани эмас. Луғат - бу тил эмас.

Ўзга тилни бегона сўзларни қийналиб талаффуз қилиш орқали ўрганиш ва тушуниб-тушунмай хulosа чиқариш энг катта ва кўп йўл қўядиган хатоларимиздан биттасидир. Сиз бу нотўғри тушунчадан қанчалик тез халос бўлсангиз, шунча яхши.

Тил - аслида ҳамиша ҳаракатдаги мураккаб тизим. Сўзлар эса бу тизимнинг бир қисми холос. Сўзлар ўз маъноларини ва қўлланиш усулларини ўзгартириб турадилар.

Тил бамисли тирик мавжудот. Уни севиш, сезиш, хис қилиш керак. Шундагина у сизга тушунарли бўлади.

Аммо, барибир, луғат сотиб олишингизга тўғри келади. Ўз ўрнида у, албатта, керак. Одатда биз ишни кичик ҳажмли луғатларни сотиб олишдан бошлаймиз. Бироз вақт ўтгач, сал каттароғини, кейин яна ҳам қалинроғини... . Билимларимиз ортгани сайин луғатларимиз ҳам

қалинлашиб бораверади ва... уйимизда чанг босиб ётган луғатлар коллекцияси пайдо бўлади. Сиз макулатура йиғиш билан шуғулланмангда, энг маъкули, биратўла энг катта ва қалин луғатни сотиб олинг.

Хатога йўл қўймаслик учун ёдда тутишимиз лозим бўлган яна бир жиҳат бор. *Рақамларни ҳеч қачон тартиб бўйича ёд олмаслик керак*. Масалан: бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн ва ҳоказо тарзида. Ҳаётда одатда рақамлардан бу тахлит фойдаланишга деярли тўғри келмайди. Бундай математик тартиб сўзлашув тилининг табиийлигига путур етказади. Ишонаверинг, ўзга тилда ёд олган илк рақамингиз одатдагидай бир сони эмас, етти ёки ўн бир бўлса ҳам осмон узилиб ерга тушмайди. Мабодо, илк бор икки ёки саккизни ёд олсангиз ҳам сизни ҳеч ким тил қоидаларини бузганликда айбламайди. Яхиси, рақамларни турли кетма-кетликлар ҳолида, масалан, саккиз-тўрт-ўн беш, ўн етти-тўққиз-икки тарзида ёд олинг ёки телефон рақамларингизни чет тилида ёдда сақланг. Тартиб бўйича ёд олинган рақамларни алоҳида эслаш қийин бўлади. Менинг бир танишим француз тилини ўрганаётиб, рақам номларини алоҳида эслашга

қийналаётганини, мисол учун саккиз ракамини айтмоқчи бўлса, хаёлан бирдан саккизгача санаб чиқишга мажбур бўлаётганидан шикоят қилган эди. Чунки мияга аллақачон тартиб бўйича санашга буйруқ бериб қўйилган ва у ўз ишини бажармоқда. Бундай нохушилик ҳафта, ой кунлари номи билан ҳам содир бўлиши мумкин ва ҳаётда ўзингиз ҳам шундай ҳолатларга гувоҳ бўлгансиз.

Одатда чет тилини ўрганишни алифбо ёдлашдан бошлайдилар. Бу йўсинда ҳам ҳарфларни алоҳида эслаш кийин бўлади ва ёд олиш учун сарфланган вакт ва қувват кутилган натижани бермайди.

Тасаввур қилинг, сиз Америкадасиз. Америка йўл полицияси ходими сизни маст ҳолда машина бошқарганликда айблаб тўхтатди, дейлик. Эътиroz билдиришга шошилманг. У ҳеч бир асоссиз шундай қарорга келган бўлиши ҳам мумкин. Бундай англашилмовчиликлар Америкада тез-тез содир бўлиб туради. Аммо ҳозир гап умуман бунда эмас.

Албатта, сиз унга эътиroz билдирасиз. Полициячи эса ўз навбатида сиздан ҳушёрлигингиzioni исботлаш учун ўзининг давлат тили алифбосини аввал тартиб билан,

кейин аралаш тарзда айтиб беришингизни сўрайди. Бу нарса йўл полициясининг алифбо ўйини ҳисобланади. Мен энди буёғига ҳарфларни ва луғатлардан алифбо тартибида ёд олган сўзларингизни алоҳида эслашга қийналиб, қандай англашилмовчиликларга дучор бўлишингиз мумкинлиги тўғрисида тўхталиб ўтирмокчи эмасман... .

Тил ўрганишга бўлган ҳаракатларингиз дастлаб кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бу табиий, чунки миямиз дастлаб ўз осойишталигининг бузилишини истамайди ва биз бу қаришиликни енгид ўтишимизга тўғри келади. Мазкур ҳолат айниқса чет тилини ўрганиш жараёнида кучли кузатилади. Негаки, миямиз шаклланган давридан бошлаб она тилимиз оҳангдорлигига эришиб бўлган эди. Бегона оҳангларга мослашиш бироз қийинчилик туғдиради. Мияни ўзга тил оҳангдорлигига мослаш учун сиз ўша тилдаги матнларни жуда узоқ вақт мобайнида диққат билан тинглашингиз лозим. Ҳа, муваффакият керак бўлса, ишни айнан шундан бошланг. Сўзларнинг маъносига тушунмасангизда, қунт билан тинглайверинг. Мен бу холосаларимни асослашга уриниб кўраман.

Истайсизми йўқми бизнинг тил ўрганиш борасидаги энг яхши устоз-ларимиз болакайлардир. Ўз она тилида гапиришни эндиғина эплаётган болакай билан чет тилини ўрганишни яқиндагина бошлаган катта ёшли киши ўртасида тафовут кам. Аммо болакайлар бу борада анча уддабурондирлар.

Эътибор берган бўлсангиз, бола илк сўзларни талаффуз қилишдан олдин бизни ойлаб ва йиллаб тинглайди. Шу қадар диққат билан тинглайдики, ҳали сўзларнинг асл маъносини тушунмасада, гапириш оҳангимиздан яхши ва ёмон маънони ажрата олади. Юмшоқ муомалага кулиб, дағал оҳангларга эса йиғлаб жавоб беради.

Болалар тил ўрганишнинг энг тўғри ва табиий усулини биладилар. Бу уларга Яратган томонидан ато этилган неъматлардан биридир.

Менинг бола ёшидан ўтган ўқувчим, сиз ҳам бу усуллардан фойдаланишига қаршимасдирсиз?

Мана тил ўрганишнинг энг оддий ва осон усули: *аввал диққат билан узоқ тинглаш* (*маънони оҳанг орқали англай олиши учун мияни янги оҳангларга кўниктириши*), кейин аста-секин ва тўғри талаффуз қилиши, сўзларнинг асл

маъносини ўрганиш, таҳлил қилиши ва жумлалар тузиш.

Хуллас, энг тўғри йўл - тилни болаларча усул билан ўрганиш.

Хўши, бунга кучингиз етадими? Ахир тил ўрганиш кишидан нафақат ақлий меҳнатни, балки жисмоний куч-қувватни ҳам талаб қиласида. Ишонаверинг, сиздан энг аввал жисмоний куч талаб қилинади. Бу албатта, сиз учун янгилик эмас. Фақат сиз бунга илгари эътибор бермагансиз.

Тил ўрганувчи ўзининг мия ҳужайраларини, юз мушакларини ва нутқ аъзоларини бегона талаффуз ва охангга мослаши лозим. Бу жараёнда ақл ва вужуд баравар иштирок этади. Сиз бунга тайёр бўлишингиз керак, менинг тиришқоқ ўқувчим.

Бу меҳнат ортида йиқилишлар, жароҳатлар, кўз ёшлиар бўлиши табиий эканлигини ҳам унумаслик даркор. Ахир биз болалар усулидан фойдаланмоқчимиз. Болакайга «печкага тегма, куясан», дейишишингиз ҳеч қандай самара бермайди. У тўғри бориб қизиган печкани ушлаши ва куйиши мумкин. Шундагина унинг учун «куймок» сўзи ҳаётий маъно касб эта бошлайди ва бир умрга эсда қолади. Мени

тушундингиз, деган умиддаман. Сиз бошлаган жараёнда ҳам маъноси бутун умр ёдда қоладиган оғриқлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Ер куррасида нутқ аъзолари ўта мукаммал шаклда ривожланган ягона мавжудот бу инсондир. Ҳар бир одамнинг нутқ аъзолари бир-бирига ўхшамаган, ўзига хос бўлади. Дунёдаги ҳар бир тилнинг талафзузи ҳам нутқ аъзоларига турлича таъсир этади. Бегона тилда сўзлаш у ёқда турсин, уни тинглашнинг ўзиёқ миямизда бир қатор тартибсизликларни келтириб чиқаради. Чунки миямизда бегона тилдаги товушларни ҳеч эътиrozларсиз, осонгина қабул қиласиган дастурнинг ўзи йўқ. Эшитиш аъзоларимиз ва миямиз янги оҳангларга кўнишиши ва ўзидан уларга жой ажратиши учун жiddий машқ зарур.

Нутқ жараёнида нутқ аъзоларимизнинг айримлари фаол ҳаракатда бўлган ҳолда, айримлари ўта суст бўлади.

Қадимги хитой зодагон оилаларида ғалати одат урф бўлган эди. Оқ-суяқ оила кизларини майда қадам ташлашга ўргатиш учун уларнинг оёклари бир-бирига яқин ҳолатда боғлаб қўйиларди. Натижада оёклар майда қадам билан

йўрғалашга мослашар ва бечора кизлар bemalol қадам ташлаш баҳтидан маҳрум бўлардилар. Бу каби қадам олишларда, аслида, хеч қандай назокат йўқ, аксинча кишига ғознинг йўрғалашини эслатади, холос. Бу одатни бежиз тилга олмадим. Ўз она тилидан бошка тилни билмайдиган кишиларнинг нутқ аъзолари хам ўша боғланган оёқчаларни эслатади. Уларга bemalol қадам ташлашни ўргатиш учун машқ зарур. Нутқ аъзолари аввалига қийналадилар, қаршилик қиласидилар, алал-оқибат мослашадилар. Каршиликлар бўлиши табиий, негаки янги топшириқларни улар чиндан ҳам тушунмайдилар. Ҳаммаси бегона. Ма-бодо дабдурустдан шотландларнинг миллий рақсини ижро этиб беришингизни сўраб қолишиша, ўзингиз қандай ахволга тушардингиз? Ҳатто жаҳлингиз ҳам чиққан бўларди.

Худди шу ўринда биз ўта нозик нуқтага дуч келдик. Мия ва нутқ аъзоларини бирор-бир нарсага ўргатиш ҳамманинг ўз қўлида. Бу жараён ҳар бир одамда бир-бирига ўхшамаган тарзда, ўзгача кечади. Бу ерда ҳар қандай иккинчи одам ортиқчадир.

Агар биз машқларни маромига етказиб бажаролмасакчи? Нутқ аъзоларини ўзга тилга

мослай олмаслик окибатида акцент пайдо бўлади. Сиз энди чет тилини ўз тилингиз оҳангига солиб оласиз. Бунинг натижасида эса хаётда турли кулгили ва аянчли ҳолатлар содир бўлади. Масалан, япон тилида айнан «р» ва «л» товушлари йўқ. «Р», «л», «д» товушларини ифодалайдиган умумий товушлар мавжуд. Демак, «қалам», «қарам», «қадам» сўzlари япон кишиси учун бир хил жаранглайди (ушбу шарх таржимонники). Рус тилидаги «Сахалин» ва «сахарин» сўzlарининг такдири ҳам шундай. Шунингдек, японлар учун «с» ва «ш» харфлари орасидаги фарқ у кадар аҳамиятли эмас. Японларнинг машҳур «холосо»си рус тилидаги «хорошо»нинг японча талқини холос. Ҳеч қайси япон маҳсус машқларсиз «р» товушини айта олмайди. Шунингдек, инглиз тили талаффузи билан бошқа тил талаффузлари ўртасида ҳам фарқ оз эмас. Инглизлар эса рус тилидаги айриш ва юмшатиш белгиларини ҳазм қила олмайдилар.

Сўzlарни нотўғри талаффуз қилиш орқали маъно ўзгариши афсуски, хунук оқибатларга ҳам олиб келган ҳоллар кузатилган. Айнан шу мавзуда Москва Давлат Университетининг чет тиллар факультети декани профессор

Терминасова «Тиллар ва маданиятлар ўртасидаги уруш ва тинчлик» номли рисола битган эди. Бу китобни ўқиб чиқиши сизга ҳам маслаҳат берган бўлардим. Тилдаги маъно нозикликларини фарклаш, сўзлашувда эҳтиёткор ва назокатли бўлиш нақадар муҳим эканлигини ҳаётий мисоллар ёрдамида англаш учун ушбу мутолаа албатта керак, деб ўйлайман.

Биз юқорида чет тилидаги матнларни аввал узоқ вақт тинглаш кераклиги борасида сўз юритган эдик. *Бир кунда камида уч соат вақт мобайнида матнларни тинглаш баробарида албатта ўша матннинг ёзма шаклига кўз югуртириб бориши керак.* Дастраси пайтларда сиз нималарни эшитаётганингизни ҳатто ҳис ҳам қилмайсиз. Сабаби - бу ўринда мақсад аввало эшитиш аъзоларимиз ва миямизнинг асаб тизимини бегона товушларга кўнижтириш ва таништиришdir. Тинглаш мобайнида жуда қизиқ ҳолат рўй беради. Чет тилидаги айрим сўз ва бирикмаларни ўз тилингиздаги ёки бошқа бир тилдаги сўз ва бирикмаларга айнан ўхшата бошлайсиз. Бошқача айтганда, бегона сўзларни «таний» бошлайсиз. Аслида улар бутунлай бошқа-бошқа маъноли сўзлар ёки бирикмалардир. Аммо миямизга нотаниш эмас

экан. Масалан, мен ўзимга бутунлай тушунарсиз бўлган ўзбек тилидаги нутқни тинглар эканман, қасам ичиб айтаманки, унда қандайдир инглизча сўзларни ва ҳатто бутун-бутун инглизча жумлаларни эшитаман. Ҳақиқатан, аслида бундай эмас. Бу нарса менинг ўхаш товушлардаги оҳангдорликни пайқаётганимдан дарак беради. Демак, миям ортиқча зўриқишиларсиз бегона тилни қабул қилишга тайёр.

Деярли барча тилларда фонетик ва морфологик тамойиллар мавжуд. Яъни сўзларнинг айтилиши билан ёзилишида анча-мунча фарқлар бўлади. Сиз сухандоннинг овозига ҳамоҳанг тарзда матнга кўз югуртирас экансиз, бу фарклар яққол намоён бўла бошлайди.

Дарвоқе, сизни узоқ вақт матнларни тинглаши зарурати асло чўчитмасин. Қулоқларингиз чет тили оҳангларига кўнишиб қолгач, тинглаши соатларини камайтиришингиз мумкин.

Сиз дастлаб сухандонлардан ортда қолиб кетишингиз аниқ. Бу одатий ҳол. Сиз айрим сўзлар устида тўхтаб қоласиз. Негаки, матнда бошқача ёзилган, сухандон эса уни бошқача

талаффуз қиляпти. Бора-бора бу оралиқ кенгайиб боради. Айтайлик, немис ёки испан тилини ўрганаётган бўлсангиз, бу муаммо у қадар катта бўлмайди. Фарқлар бор, аммо оз. Сўзларнинг ёзилиши билан айтилиши орасида ер билан осмонча фарқ мавжуд бўлган тил эса инглиз тилидир. Инглизларнинг ўзлари бу масалада ҳазиллашиб, «биз «Манчестер» деб ёзганимизни «Ливерпуль» деб ўқий-миз», дея куладилар. Бу ҳазил ҳақиқатдан йироқ эмас. Аммо, ишонаве-ринг, шу қийинчиликларга қарамай, агар тўғри йўл тутсангиз, инглизчада тез ва акцентсиз ўқий оласиз.

Матнларнинг ўқилишини диққат билан тинглаш мобайнида сўзларнинг «эилоф» ичидаги асл қиёфасини кўра бошлайсиз ва сухандон билан баравар талаффуз қилишни истаб қоласиз. Демак, сиз тилни қабул қилишга тайёрсиз. Фақат бутун-бутун матнларни ўқишига, кўп сўзларни талаффуз қилишга шошилманг. Максад сари аста-секин ҳаракат қилинг. Овқатни шошиб ичсангиз оғзингиз куяди.

Агар тўғри талаффуз қила олмаётган бўлсангиз, яна тинглашга қайтинг. Бу ҳам табиий ҳол.

Энди сизга яна бир сирни очаман. **Матнларни ҳеч қачон ичингизда ёки пицирлаб ўқиманг. Сўзларни шивирлаб талаффуз қилманг.** Эшитиш аъзоларимиздаги тўлиқ ҳаракатларсиз миямиз янги сўзларни хотирасида осон сақлаб қола олмайди. *Шивирлаб ўрганиш - хаёл суришдай бир гап.* Ахир сиз бокс тушишни ёки қўшиқ айтишни хаёлан ўрганмайсизку. Уз-ўзича хиргойи қилиб юрган одамнинг қўлига микрофон тутқазиб, катта саҳнага чиқариб қўйилса қандай аҳволга тушади.

Ҳамиша баланд овозда ўкинг! Баланд пардалардан паст оҳангга тушиш доимо осон ва оддий бўлган, аммо қуйи пардалардан авжга кўтарилишни ҳамма ҳам эплайвермайди.

Қилич жангларининг машҳур устаси Миямото Мусаси ўз сабоқларини катта ва қийин машклардан бошлар экан. У «*катта ишларга қодир одам кичик нарсаларни албатта эплайди*», деб ёзган эди. Мен бу фикрга «*пастдан юқорига чиқиши эса ҳеч қачон осон бўлмайди*», деган жумлаларни илова қилишни истардим.

Сизга такрор уқтираман: матнларни доимо баланд овозда ўкинг!

Гомернинг «Илиада»сига қайта ҳаёт бағишилаган Шлиман айнан шундай усул билан ўнта тилда чиройли сўзлашишни ўрганган эди. Хуллас, бу синовдан муваффақиятли ўтган усул. Бошқа йўлларни қидириб вақт йўқотишингизга ҳожат йўқ.

Ва тўғри нафас олишни ҳам унутманг. Ҳа, ха, мен шуни ҳам айтмоқчи эдим. Чет тилида сўзлашаётган вақтингазда нафас олишингиз ҳам бегоналашади. Нутқ аъзолари ўзгача ҳаракат қилаётгани учун ўпкадаги ҳаво оқимиининг йўналиши ҳам ўзгаради. Сиз одатдагидан бошқачароқ нафас ола бошлайсиз. Шу туфайли ҳам аввалига ўзингазда чарчоқ ва бироз ҳансирашни ҳис қиласиз. Вақтлар ўтиб бу ҳам ўтиб кетади ва айтиш мумкинки, чет тилида сўзлашаётган пайтингизда чет элликлардай нафас ола бошлайсиз.

Яна бир гап. Биринчи қадамни қўйишда шошмаслик ва эҳтиёт бўлиш даркор. *Сўзларни бутунлигича талаффуз қилишга қийналяпсизми?* Унда уларни ўзок ва қўшимчаларга бўлиб талаффуз килинг. Чиройли талаффуз қилаётганингизга ишончингиз комил бўлгачгина, бутун сўзни такрорланг.

Үз исботини топган яна бир ҳақиқат шуки, сўзларни илк даврларда қандай талафуз килсангиз, улар бутун умр хотирангизда шундай муҳрланади. Ииллар ўтиб, юксак даражаларга эришган такдирингизда ҳам йўл қўйилган илк хатоларни тузата олмаслигингиз мумкин.

Тинглаш - ёзув ва талафуздаги фаркларни ажратишга ёрдам берса, баланд овозда тақрорлаш - ёдлаб қолиши ва чиройли талафуз қилишга кўмак беради.

Айнан шу ўринда үз ишини яхши биладиган ва янгиликларни ҳазм қила оладиган ўқитувчингизнинг бўлиши нур устига нур бўларди. Шундай ўқитувчини топа олсангиз, албатта. Доимий анъаналарга содик ўқитувчи эса келажагингиз учун хавф туғдиради. Ҳамма юраётган ва жуда кам самара бераётган йўллардан кошиш ва кўникмага айланиб кетган сийқа усуллардан эҳтиёт бўлиш керак.

Фикрингиз ва тутаётган йўлингизнинг тўғрилигини бошқаларга уқтиrolмай хуноб бўлгандан кўра, үз устингизда мустақил ишлаганингиз фойдалироқ. Ахир даҳолар эргашмайдилар, даҳоларга эргашадилар.

Мустақил таълим ҳам ажойиб натижаларга олиб келган ҳоллар ҳаётда жуда кўп. Мен буни

ўз тажрибамдан ва кўплаб дўстларимнинг хаётий сабокдаридан келиб чиқиб айтаяпман.

Бир аёл билан танишиб қолган эдим. Мени ҳайратлантирган нарса шуки, бу гўзал нозанин Кавказнинг тоғли овлоқ кишлокдаридан бирида ўсган бўлсада, рус тилида жуда назокат билан, нозик қочиримларга бой жумлалар тузиб, қўйингчи, тилшунос профессорлар сингари бехато ва таъсири сўзлар эди. Мен ўз ҳайратларимни яшира олмадим ва ундан «тилшунослик бўйича профессор эмасмисиз?», дея сўрадим. Аёл кулди ва рус тилини Кавказнинг чекка бир қишлоғидаги кичкинагина мактабда чет тили сифатида ўрганганини айтди. Мен ишонолмадим, аммо чиндан ҳам ҳеч қайси мактабда русча сўзлашишни аёл сўзлаётган даражада мукаммал ўргатмайдилар. Аёл яна кулди ва бола пайтлари далада қўй боқиб юриб, рус тилидаги матнларни баланд овозда қайта-қайта такрорлаганларини ва рус тилидаги асарларни ўқиб, маъносини мустакил тушунишга ҳаракат қилганларини айтиб берди. Ҳа, у бу тилда шу даражада бенуқсон ва чиройли сўзлашни ўзига-ўзи ўргатган эди.

Чиндан ҳам чет тилини ўрганиш - ўта шахсий ва кўпроқ якка тартибда шуғулланишини талаб қиласиган ишдир. Тил ўрганиш - илҳом, қобилият, санъат дегани. Асло илм эмас!

Шу сабабли, агар кичик диалоглар учун ҳам ўн беш, ўн олти кунингиз сарф бўлаётган бўлса, асло қўрқманг ва тушкунликка тушманг. Ахир сиз нон пиширишингиз учун зарур бўлган буғдой уруғини эндиғина ерга қададингиз.

Табиатга қаранг, ҳеч нарса тез фурсатларда мева бермайди. Ҳа, буғдой уруғи ҳозирча нон эмас, аммо албатта бир куни нон бўлади.

Ҳеч қачон ўзингизни ўзингиз алдаманг. Тилни ҳам алдаманг. Бир кунда кучингиз қанчага етса, шунча шуғулланинг. Ҳар куни ўз-ўзингизга имтиҳон топширинг. Бу ерда иккинчи одам йўқ, демак, ҳеч қандай шпаргалка ва ҳийлаларга ҳам ҳожат бўлмайди.

Сиз бир йил давомида шу машғулот билан шуғулландингиз дейлик. Муваффақиятларингиз у қадар кўп эмас. Чунки тил ўрганиш учун энг оз муддат - бу бир йил. Аммо сиз энди океанга консерва банкасида эмас, мустаҳкам кемада чиқдингиз.

Кузатишларимнинг гувоҳлик беришича, чет тили факультетлари тала-балари одатда учинчи

йилдан кейин ўз йўлларини топа бошлайдилар. Чунки аксарият ҳолларда улар вақтларини бекорчи нарсаларга сарфлайдилар. Тил ўрганишнинг асосий шарти уч-тўрт «пара» маъруза тинглаш-у, дарсдан кейин бир-икки соат уй топшириқларини бажаришда деб биладилар. Ахир улар умумий кемада кетяптилар ва уларнинг кемаси капитаннинг буйруғигагина бўйсунади. Сизнинг эса ўз кемангиз бор ва ўзингиз кема капитанисиз. Фақат ҳозирча бироз тажрибангиз кам холос.

Бу йўналишида кўзланган ниятга эришиш учун иил давомида камида минг соат шугулланиш керак. Бундан ташқари ўрганилаётган тилда ёзилган уч минг сахифадан иборат матнни ўқиб, таржима қилиш лозим. Бу машғулот кишидан қатъий режани талаб қиласди. Агар бир кунда тил ўрганиш учун уч соат вақт ажратган бўлсангиз, унинг икки соатини ўрганишга, бир соатини эса диалог ёки матнларни тинглашга сарф қилинг. Шундан кейин икки ёки уч соат давомида матн ўқинг ва таржима қилинг. Аввалига луғатлардан фойдаланасиз. Аста-секин сўзларнинг таржимаси хотирангизда қоладиган бўлади. Бу кўр-кўрона луғат ёдлашга караганда анча

самарали ва фойдали усул. Бир йилдан кейин қарабсизки, чет тили сизга ўз она тилингиздай қадрдон бўлиб қолади.

Энди сиз учун янги ва кенг имкониятли босқичлар бошланади. Бу иш учун сиздан ортиқча куч талаб қилинмаётганини сеза бошлайсиз. Лекин бир йил жуда оз муддат. Ўз устида назорат юритмаган одам янги босқичга икки ёки уч йилда етиб келса ҳам ажабланмаган бўлардим. Аммо сиз ҳақингизда бундай хулоса чиқаришни истамайман, менинг тиришқоқ ўқувчим.

Ана шу биринчи ва энг қийин бир йиллик босқичдан ўтиш учун АҚШ Мудофаа Вазирлигининг Монтерейдаги хорижий тиллар институтида талabalар бир кунда олти соат мобайнида ўқув хоналарида ўқитувчи ҳамкорлигида шуғулланадилар. Дарсдан кейинги икки соат давомида эса уйга берилган топширикларни бажарадилар. Бундай тартиб тилни тўлақонли ўрганиш гаровидир.

«Ўҳ-ҳӯ, бу қийин иш экан. Мен буни уddeлай олмайман. Бунга кучим ҳам, вақтим ҳам етмайди. Ахир ишдаги одам бўлсан», - деяпсиз-а? Тўғри эшитдимми? Эҳ, менинг ўта банд ўқувчим, сиз ҳали ким билан иш

бошлаганингизни билмайсиз шекилли. Мени ҳар қандай бўлмағур гапларга ишонтириш асло мумкин эмас. Энди ижозатингиз билан, сизнинг кун давомида нималар билан машғул бўлишингизга бир кўз югуртириб чиқсан.

Уйкудан тургач, ювиниб-тараниб, нонушта қиласиз. Шу қисқагина вақт давомида телевизор кўриш учун қимматли вақтингиздан албатта улуш ажратасиз. Кийиниб, ишга жўнайсиз. Ўн беш ёки ўттиз дакиқани йўлга сарфлайсиз. Шундай қилишга мажбурсиз. Аммо шу пайтларда қулоғингиз бўш бўладику. Ҳозир техника жуда маромида ривожланган. Кўча-кўйларда қулоғига мослама такиб олиб, мусика эшитиб кетаётган ёшларга кўзингиз тушгандир. Сиз ҳам плеер сотиб олиб, санаб ўтилган вақтлар мобайнида чет тилидаги матнларни тинглашингиз мумкинми? Бу усулдан кўпчилик фойдаланади. Кечки пайтлари уйқудан олдин икки соат вақтни матн ўқиб, таржима қилишга сарфлаш мумкин. Озроқ мулоҳаза килингчи, сиз учун оқшомлари вақтингизни бемалол банд қилаётган сериал-у, телекўрсатувлар шу қадар аҳамиятлими? Сиз яхшиси менга бўш вақтингизни топишга кўмаклашинг.

Ха, айтгандай, ҳамкасларингиз-у, таниш-билишларингиз билан юзма-юзми ёки телефондами ғийбатлашадиган қимматли дақиқаларингиз мавжудлигини ҳам эсдан чиқарманг. Нимани астойдил кидирсангиз, албатта топасиз. Жумладан вақтни ҳам. Айниқса жиддий юмушлар учун.

Яна қайта уқтираман, ўзингизга жавоб беролмасангиз, тилни тинч қўйинг.

Бу соҳада мени ташвишлантирадиган яна бир жиҳат бор: диалоглар-даги оҳангдорликнинг бузилиши.

Инглиз тилини ўрганаётган одам инглизча ажабланиши, саволни ҳам инглизча оҳангда бериши ва ўша оҳангда тасдиқлаши ёки инкор этиши керак. Афсуски, ҳеч кайси ўқитувчи бу масалага эътибор ҳам бермайди. Ахир ҳар бир тилнинг ўзига хос оҳангি бўлади. Бундай жиҳатларга аҳамият бермайдиган «мутахассислар» туфайли билимлари-мизда кемтиклар пайдо бўлади.

Иўлимизда учрайдиган ғовлардан яна биттаси - уйқучанликдир. Истайсизми-йўқми, чет тилидаги матнларни мутолаа қилаётганда кишини уйқу элтади. Илжайишга шошилмангда, матнларни баланд овозда ўқиш кераклиги

түғрисидаги тавсияларимни эсланг. Улар бежиз айтилмаган. Айнан уйқучанликни бартараф қилиш кераклиги түғрисида, худди келишиб олингандек, ҳеч ким лом-мим демайди. Гарчи бу ҳолат ҳамма ўрга-нувчиларга хос бўлса ҳам.

Нега шундай? Уйқучанлик ҳам ўз тинчининг бузилишини истамаётган миямизнинг қаршиликларидан биттаси. Мия жуда тинч, лекин қатъий туриб бизнинг истакларимизга қаршилик қиласи ва камдан-кам ҳолат-лардагина ғолиб бўлади. Уйқучанлик матнларни тинглаш мобайнида ҳам юз беради. Сиз уйқуни ҳайдашга ҳаракат қиласиз ва унга қарши ўз билганингизча кураша бошлайсиз: юзингизни совуқ сувда ювиб келасиз, аччиққина кофе ичасиз ёки бир айланиб келасиз ва... ухлаб қоласиз. Негаки, сиз айнан ишлашни истамаётган миянинг буйруқларини бажардингизда. У сизни ўзини қийнаётган ақлий машғулотдан чалғита олдику. Сиз шутариқа ўз ичингиздаги дангаса, аммо айёр душманга енгила бошлайсиз. Хўш, қандай йўл тутмоқ керак?

Матнни ўқиётган пайтда баланд овоз уйқучанликни енгишга кўмак бера олади, албатта. Лекин тинглаётган вақтдачи? Битта

тўғри усул бор: ҳаракатланиб тинглаш. Айнан шу ўринда ҳам менинг тил ўрганиш санъати мустақилликни севиши тўғрисидаги фикрларим ўз исботини топмоқда. Ҳаммамиз ортиқча ҳаракатларсиз, бир жойда ўтирган ҳолда билим олишга одатланганмиз. Мактаблардаги тизим шуни тақозо этади. Орқа парталарда ухлаб ўтирадиган ўқувчиларни эслаяпсизми? Дарс вақтида ўқитувчининг бутун куч-қуввати ўқувчиларни ҳаракатсизлантиришга қаратилади. Болалар эса ўз навбатида айёрликни ўрганадилар. Ўзларини гўё дарсни тинглаётгандай тутадилар ва хаёлий ўйинларга бериладилар. Бу тизим бизга шу қадар чуқур сингдирилганки, натижада биз тилни ҳам албатта ўтириб. урганиш керак, деб ўйлаймиз. Вақтимиз йўқлиги ҳақидаги важ-корсонларимиз ҳам шу тушунчаларнинг мевасидир. Бахтимизга энди биз тилни мактаб партасида ўтириб ўрганаётганимиз йўқ. Бинобарин, дангаса мияга енгилмаслик учун ҳаракатларимизга эркинлик бера оламиз.

Плеерни ишга тушириб, мосламаларни тақингда, сайдирга чиқинг. Албатта қор-ёмғирли ёки жазирама кунларда бунга мажбур эмассиз. Аста-аста қадам ташлаб, матнларни диққат

билин тинглаб боринг. Юриб кетаётиб ухлаб қолган одамни ҳаётимда күрган эмасман.

Аристотел ҳам фалсафий маъruzаларини шогирдларига табиат қўйнида сайр қилиб юрган ҳолда ўқиган экан.

Демак, тилни ҳаракатсиз ўтирган ҳолда ўрганмаган маъқул. Бу менинг шахсий тажрибамдан муваффақиятли ўтган усуллардан бири. Мен сухан-доннинг чиройли, сокин овозини тинглаган ҳолда, сўзларни қайта-қайта такрорлаб, ўнлаб километр йўл босар ва вужудимда тетикликни, миямда ажиб бир тиниқликни ҳис килардим. Бу сайр сизда таниш йўналиш бўйича ўтса мақсадга мувофик бўларди. Токи соғлигингизга хеч қандай йўл ҳодисалари таҳдид солмасин. Кийимларингиз, айниқса оёқ кийимингиз кулай бўлсин. Мабодо ён-атрофингизда сайр учун қулай йўлкалар бўлмаса, бу ишни уй ичида ҳам амалга оширса бўлаверади. Фақат уй ҳавоси тоза бўлсин. Агар сизнинг юриш ва югуриш учун мўлжалланган ҳаракатланувчи йўлак-тренажерингиз бўлса, нур устига нур.

Бирор машғулот мобайнида қаттиқ уйқу босаверса (ҳамма билан ҳам шундай бўлади, дея

олмайман) йигирма дақиқа мизғиб олиш мүмкін.

«Грамматикани ўрганаётганды нима қиласиз?», - деб сўрашганди мендан. Менинг луғатимда «грамматикани ўрганиш» деган жумланинг ўзи йўқ. Эътиroz билдиrmай туриng! Грамматикани сўзсиз ўрганасиз.

«Марафонча ўқиши» мобайнида мия тўлақонли ишлай бошлайди. Бир йил давомида қилган уч минг саҳифалик таржималарингизни тугатгаch, грамматика борасидаги билимларингиз чет тиллар факультети битирувчисининг билимларидан кам эмаслигини (эҳтимол ортиқроқдир!) тушуниб етасиз. Фарқи шуки, сиз грамматикани зерикарли маъruzалар, илмий қонун-қоидалар асосида эмас, аниқ амалиёт асосида ўргандингиз.

Кўпчилик ўз она тили грамматикасининг барча коидаларини ҳам тўлик билмаслиги мүмкін. Аммо ўша қоидаларни бир кунда минг марталаб амалга тадбик этади, уларга риоя қиласи. Кунига бир неча марталаб ишлатиладиган сўзларнинг туркумларини, илмий атамаларни билмаслик тилда бенуқсон сўзлашиш санъатига хеч қандай путур

етказолмайди. Чет тили борасида ҳам айнан шундай. Сиз ўзга тилдаги сўз туркумларининг номлари, келишиклар, қўшимчалар, алламбало илмий атамалар билан миянгизни тўлдирмаган ҳолда ҳам ўша тилни муваффақиятли ўргана оласиз.

Грамматик жадвалларга бир кўз ташлаб чиқишининг зарари йўқ. Лекин зинҳор бу илмий уммонга шўнгий кўрманг. Акс ҳолда, фақат грамматикани ўрганасиз, тилни эмас.

Мабодо ҳозир мендан АҚШ йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳон топширишимни талаб килишса, синовдан ўтолмаслигим аниқ. Чунки бу қоидаларни умуман эслолмайман. Ўн беш йил бурун шу масалада муваффақиятли имтиҳон топшириб бўлганимдан беш дақиқа ўтар-ўтмас, ҳаммасини унугланман. Худога шукурки, бунинг салбий томонларини ҳали кўрмадим. Ваҳоланки, шунча йилдан буён Американинг Нью-Йорк, Сан-Франциско, Лос-Анжелес ва Сиэтл шаҳарларидан ташқари ҳамма ҳудудида ҳеч қандай кўнгилсизликларсиз автомобил бошқараман. Канада ва Мексикада ҳам шундай. Шундай экан, ким менга йўл ҳаракати қоидаларини билмайсан, дея олади.

Мана, ҳозир ҳам шу сатрларни ўз компьютеримда ёзиб ўтириб, компьютер процессорида электронлар соат миллари бўйича ҳаракат қиляптими, унга қаршими ёки умуман ҳаракатланмаяптими, деган фикрлар билан бошимни қотираётганим йўқ. Аммо тўла куч билан ишлайпман. Компьютер борасидаги техник билимларимнинг йўқлиги унда ишлашимга тўсқинлик қилаётгани йўқ.

Айтайлик, «ля-минор», «фортиссимо» деган атамаларни билмаслигинги пианино чалишни ўрганишингизга тўсқинлик қилолмайди. Сиз мусиқа соҳасидаги илмий атамалар ва уларнинг маъносини билмаган ҳолда ҳам исталган мусиқа асбобини чалишни ўрганишингиз мумкин.

Талабалик давримда бизга лотин тилидан сабоқ берадиган кекса муал-лимани қандай лол қилганимни яхши эслайман. Биринчи дарсдаёқ фам-матикани ўрганишдан бош тортгандим. Чунки мени бу тилнинг грамматик жадваллари даҳшатга солган. Мен мустақил шуғулланишга ахд Қилдим ва ўқитувчиларим бунга кўнишга мажбур бўлишди. Кутубхоналарда соатлаб лотин тилидаги китоб ва луғатларни титиб

астойдил ҳаракат қилдим. Менинг дастурим институтдаги дастурлардан ўн баробар яхши эди. Имтиҳонда берилган лотин тилидаги матнни бехато ўқиб, таржима қилиб бердим. Ҳайратини яширолмаган бир ўқитувчи «Хатто Плутарх ҳам сен билан фахрланган бўларди», деди ҳаяжонланиб.

Ҳа, фамматика тилдан яралган, тил фамматикадан эмас!

Менинг қадрдон бўлиб қолган ўқувчим, бу қаттий ва ишончли ҳикматни сиз ҳам қулоқларингизга қуиб олинг. Шунда сизни чўчитаётган «даҳшатли» грамматика оёкларингиз остига йиқилади.

Биз ўзимизни ўраб турган борлик мұхит билан чамбарчас боғланганмиз. Жумладан ўз она тилимизга ҳам. Бизни боғлаб турган ришталар шу қадар мустаҳкамки, уларни узиш асло мумкин эмас.

Ўзга тилни ўрганар эканмиз, қаршимизда бутунлай ўзга олам намоён бўлади. Янги борлик ва мұхитни кашф эта бошлаймиз. Аммо кундалик одатларимиз бизни ортга торта бошлайди. Олдинга, янги дунё сари қадам қўйишга имкон бермайди. Телевидение, радио, газеталар, мусиқа-лар, ёмғирдан сўнг ердан

таралаётган намхуш ҳидлардан тортиб эшик ва телефон қўнғироқларигача ҳамма-ҳаммаси бизни ўзига оханрабодай тортади. Ён-атрофимиздаги диққатимизни осонгина жалб қилаётган ҳар бир нарса чет тилини ўрганишимизга халакит беради. Лекин биз улардан бутунлай воз кечиб ҳам кетолмаймиз.

Чет тили чет давлатда, янги мухит ва янгича шароитларда ўрганилса жуда яхши бўлардику-я, лекин бунинг имкони бўлмагандан кейин теварак-атрофга эътибор камайтирилгани маъқул. Телевидение, радио, мусиқа, китоблар, газета ва журналлар, сон-саноқсиз мuloқotларни вақтинчалик режадан ўчириб ташлаш ёки анчайин қисқартириш лозим. *Дастлабки беш ойда улардан бутунлай воз кечиб турган яхшироқ.* Бу нарса сизнинг руҳиятингиз ва жисмингизга фақат фойда келтиради. айниқса она тилингиздаги адабиётларни умуман ўқимай турганингиз маъқул. Ўз тилингизда гапирадиган одамлар билан мuloқotни камайтиринг. Ўрганаётганлигингизни биладиган кишилар билан сухбатлашинг. Агар она тилингиздаги ички ва ташқи мuloқotларни камайтирсангиз ёки тўхтатсангиз миянинг маълум қисмлари

фаолиятида сустлашиш юз беради ва энди улар ишлашга ташналикини ҳис қиласи. Миядаги бутун куч-қувват янги маълумотларни (улар ҳар қанча қийин бўлмасин) қабул қилишга қаратилади. Ахир бизнинг ниятимиз ҳам айнан шу-ку!

Ишонаверинг, бу усулдан тил ўрганиш мобайнида Штирлицнинг шахсан ўзи фойдаланган эди. Негаки бу жуда қадимиј усул.

Қадим вақтлардан буён ибодатхоналар ва будда мактабларида таълим қуруқ девордан иборат хоналарда олиб борилади. Мияни ҳеч қандай ташқи таъсирлар чалғитмаслиги даркор. Бу ҳам бир ибодатдек гап. Бу ҳолат қанча кўп давом этса, шунча яхши. Сиз ҳам тил ўрганиш даврида ўзингизни роҳиблардай тулинг.

Тахсилни бошлашдан олдин бир-икки дақиқа мобайнида ёнаётган шамга тикилиб ўтиринг. Фойдасини албатта ҳис қиласиз.

Тил ўрганиш давомида сизнинг янги «мен»ингиз шаклланади. Қайсиdir қадимиј битикда «*Ким қанча тилни билса, у ўшанча ҳаётларда яшайди*» деган ҳикматни ўқигандим. Мен бу фикрга тўлик қўшилмайман. Лекин тилни билиш - ҳаётимиз рангинлигини ортириши турган гап.

Сизнинг янги шахсиятингиз сиз ўша хорижий тилда фикрлай бошлига-ганингиздагина шакланган ҳисобланади.

Менинг юқорида айтган тавсияларимни бажариш осонмас. Ҳатто бу айримлар учун умуман мумкин эмасдай туюлади. Бу ҳам табиий. Негаки, инсон мияси турлича чалғышларга, ташқи таъсирларга жуда мойил бўлади. Айнан бир нарса устида диққатни узоқ вақт ушлаб туриш жуда мушкул.

Синф хонасида ўқитувчининг баланд овози ўқувчилар диққатини бирозгина тортиб туриши мумкин холос. Ҳар кандай чалғитувчи таъсир эътиборни чилпарчин қила олади. Жимжит синф хонасидаги миттигина пашша ҳамманинг диққатини бўлади. Кимдир аксирса ҳам шундай. Дераза ортидаги харакатларнику умуман беэътибор қолдирмаймиз. Аммо ҳеч нарсага узоқ эътибор қаратмаймиз ҳам.

Ҳа, азизим, диққатни жамлай олмаслик - бизнинг асосий душманимиз. Тил ўрганиш мобайнида ҳал этишимиз шарт бўлган энг катта муаммолардан бири - шу. Айнан шу муаммони ҳал эта олган кишига қолган қийинчиликлар чўт эмас.

Муаммони қандай ҳал этмоқ керак?

Аввало, миямизни яхшилаб «калтаклаймиз». Қандай бўларди, диалог-ларни кўп-кўп тинглаш биланда. Ундан кейин баланд овоз билан матнларни ўқиймиз. Миямиз таъзирини ейди ва чет таъсирларга парво қилмай қўяди. Шундан кейин дикқатни ушлаб туришни ўрганиш керак. Бу борада бизга фильмлар ва китоб мутолааси қўл келади. Айнан шу ўринда кишининг қизиқишлиари кўп нарсани ҳал килади. Ҳамма ўз қизиққан нарсасига кўпроқ эътибор қаратади. Сиз ҳам қизиққан жанрингиздаги фильм ва китобларни танлаб олинг. Бу масалада ҳеч ким билан маслаҳатлашманг. Детектив романлар ёқадими? Марҳамат! Мелодрамани хуш кўрасизми? Бемалол! Эротик мавзулардаги адабиётни ўқимоқчимисиз? Ўқийверинг! Бу бизнинг сиримиз бўла қолсин.

Бу ўринда биттагина қоидага амал қилинг: ўқинг, кўринг, фақат ўзингизга қизиқ бўлганини, эътиборингизни тортадиганини!

Шу ерда мен «километраж» деган сўзни кўлламоқчиман. Километражлаб кино кўринг, километр саҳифали асарлар ўқинг, фақат ҳаммаси ўрганаётган тилингизда бўлсин.

Ҳар бир таҳсилни бошлашдан олдин маълум машқларни бажаришни тавсия қиласман. Бундай

машқларни саңнага чиқиши олдидан театр актёрлари ҳам бажарадилар.

Силовчи ҳаракатлар билан лабларни, қошларни, пешонани уқалайсиз. Қулоқларни енгилгина чўзиб ва шапатилаб қўясиз ҳамда қулоқ солин-чоқларини уқалайсиз. Айнан шу машқни жанг олдидан боксчилар бажарадилар. Қулоқ солинчоқлари биологик фаол нуқта бўлиб, уни уқалаш мияда қон айланишининг яхшиланишига ёрдам беради. Ундан кейин тилни лаблар ортида ва тиш ҳамда танглайлар орасида бир неча марта айлантиринг. Лабларингизни очиб, аввал табассум қилгандай (буни «от табассуми» ҳам дейдилар) ҳаракат қилинг, кейин чўччайтиринг. Бу машқни ҳам бир неча марта такрорланг.

Ўзингизда толиқиши хис қилган пайтларингизда ҳам бу машқлар кўмак беради. Тил ўрганиш машгулотлари давомида эса уларни доимо бажариб боринг. Ҳа, айтгандай, машқларни бирорвга кўрсатмасдан бажарганингиз маъқул. Чунки атрофингизда бу соҳадан бехабар одамлар бўлса, сизни жиннига чиқаришлари эҳтимолдан холи эмас.

Таҳсил пайтида ҳар 30-40 дақиқадан сўнг пешонани ва қулоқларни албатта уқалаб туринг.

Бу машқдар миядаги дангасаликни ва чарчоқни қувишга ёрдам беради. Майли, бу нарса сизнинг махфий қуролингиз бўла қолсин.

Хўш, энди навбатдаги тавсияларга ўтамиз.

Магнитофондан диалогларни тинглаётган пайтингизда ўта сабрли бўлинг. Қайсиdir сўзга тушунмай қолдингизми, дарров тасмани ортга қайтариш. Кўпчилик билан дарс ўтаётганда бунинг иложи йўқ. Шунинг учун кўпроқ якка ҳолда тингланг. Тушунмай қолган сўзларни ўтказиб юборманг. Тушунишингиз ва тўғри талаффузни ўрганишингиз учун тасмани ортга минг марта қайтариш керак бўлса, минг марта қайтариш. Кўпчилик шу ўринда зерикиб қолади ва эринчоқлик қиласи. Улар менга машина ғилдираклари қумга ботиб тургани ҳолда зўр бериб газни босаётган ҳайдовчини эслатадилар.

Бу жараёнда тушириб қолдириладиган ҳеч нарса бўлмаслиги керак. Агар нимадир қолиб кетса, сиз боши берк кўчага кириб қоласиз. Аввалига бу се-зилмайди, аммо вақти келиб албатта шундай бўлади. Ахир яхшироқ эшитмаган нарсангизни қандай қилиб тўғри талаффуз ёки таржима қила оласиз?

Мен битта диалогни икки-уч соатлаб тинглар эдим. Пулимнинг каттагина қисми кассеталар ва

батарейкаларга сарф бўларди. Ахир сизда ҳозир жуда яхши ускуналар бор. Исталган мавзудаги дискларни осонгина топишингиз ёки ўзингизга қулай услубда компьютерда ёздириб олишингиз мумкин. Хуллас, имконият борасида хеч қандай баҳонангиз йўқ.

Диалог фонида ҳеч қандай чалғитувчи товушлар ва мусиқа бўлмаслиги керак. Фақат диалогларни эшитинг. Кассета ёки дискингизга ўрганилаётган матндаги гапларни алоҳида-алоҳида ҳолда ёздириб олинг. Битта гап ҳеч қандай паузаларсиз (икки сониядан ортиқ пауза бўлмасин) йигирма дақиқа давомида қайтарилсин. Масалан, «Бу кеча Лондон осмони рутубатли эди. Бу кеча Лондон осмони рутубатли эди. Бу кеча Лондон осмони рутубатли эди...»

Курсларда эшитиладиган диалогларда одатда сезиларли паузалар бўлади. Бу паузалар эътиборни чалғитишга хизмат килади холос. Бу нарса менга ресторанда сиздан буюртма қабул қилиб олиб, анча вакт йўқ бўлиб кетадиган ва қайтиб келиб десерт учун нима буюришингизни сўрайдиган бефаросат официанткаларни эслатади.

Хозиргина сизга тавсия этган усулим тасмани қайта-қайта ортга қайтаришдан сизни халос этади. Йигирма дақика давомида түхтовсиз кайтарилган гапни яхши илғаб ололмаган одамни эса анқов дейишдан ўзга иложимиз йўқ. У бизнинг орамизда нима қилиб юриди?

Матн тинглаш учун энг сифатли мосламаларни танланг. Қулокларин-гизга ҳеч қандай ташқи овозлар кирмасин. Астойдил уринаётган миямизнинг қаериладир ички бир куч арзимасдай туюладиган чалғитувчи таъсирни кутиб ётганини унутманг. Бу куч бир сонияда бир кунлик меҳнатингизни чиппакка чиқариши ҳам мумкин.

Матн тинглаш мобайнида албатта унинг ёзма шаклига ҳам кўз югуртириб борасиз. Сиз матнни шундай ёзиб олинг-ки, фақат кисқа паузалар пайтидагина кўзингизни иккинчи варакқа олишингизга тўғри келсин. Кетма-кет ўқилаётган жумла давомида дафтар вараклашингизга тўғри келмасин ва бегона тилдаги сўзларни ҳеч қачон қисқартириб ёзманг.

Юқоридаги масалаларга эътибор беришга арзимайдиган майда-чуйда нарсадай қарайдилар. Бу арзимасдай туюлган жиҳатларни

мен чивинга ўхшатаман. Чивинлар айнан ҳамма ишларни тугатиб, оёқ-қўлларни узатган роҳатижон дамларингизда ўз ишларини бошлайдилар. Демак, сиз ҳамма ишни тўлиқ бажармабсиз: чивинлар ўлдирилмабди... .

Менинг муҳтарам ўкувчим, мен сизнинг китобсевар эканлигингида ишонгим келади. Нега ҳам ишонмай?! Сиз ахир зиёли одамсиз. Бўш вақт топилди дегунча қўлингизга китоб олишингиз мени жуда қувонтиради. Зиёли одамлар китобдан умр бўйи айрилмайдилар. Бу гапларни нега нима учун айтаётганимни биласизми?

Чет тилини ўрганишнинг асосий шартларидан бири - ўқиш. Ўқиш - энг қулай восита. Китобни исталган жойда ўзингиз билан bemalol олиб юришингиз мумкин. Тушунарсиз сўзларни ундан истаганингизча қайта-қайта ўқишингиз мумкин. Матн устида лексик-грамматик тезкор таҳлил ўтказиши имкониятига эга бўласиз. Умуман китоблар қулай ва арzonлиги билан ҳам аҳамиятли. Ҳозирги кунда керакли адабиётларни топиш ҳам муаммо эмас. Лекин айнан нимани ўқиш керак - бу муаммо. Хўш, нимани ўқиш керак ва қандай ўқиш керак?

Бу борада ўзига хос қоидалар мавжуд. Сиз буларни билишингиз шарт.

Демак, *биринчи қоида*:

Фақат ўзингизга қизиқ бўлган китобни ўқинг.

Аввалроқ айтганларимни яна
қайтараётганим ғашингизга тегмасин, дўстим.
Менинг ҳеч бир сўзим бесабаб такрорланмайди.
Ўз она тилингизда қандай жанрдаги асарларни
севиб мутолаа қилсангиз, чет тилида ҳам айнан
шунақасини ўқинг. Шекспирга қизиқишингиз
бўлмаса, унинг асарларини оригиналда ўқийман,
деб ўзингизни уринтирунг. Бу фақат тил
ўрганишга бўлган истагингизнинг сўнишига
сабаб бўлади холос. Қизиқишингизни
қондирадиган асарларга бошингиз билан
шўнфинг. Лексика ва грамматикангизда
кемтиклар бўлмасин. Сизга қайта-қайта сўз
бераман, асар танлаш борасидаги нозик
томонларингизни ҳеч кимга айтмайман. Чунки
ҳеч ким сирни уни билмаган одамчалик асрай
олмайди. *Иккинчи қоида*:

Иложи борича катта ҳажмли асарларни
ўқинг.

Катта ҳажмли деганда мен энг камида икки
юз саҳифали асарларни назарда тутяпман. Бу
ерда стандарт ҳажмдаги ҳарфлар билан, ортиқча

сурат ва безакларсиз чоп этилган тўлиқ саҳифалар ҳақида гап кетяпти.

Ҳар қанча қизиқарли бўлмасин, ҳозирча ҳикояларни ўқимай турганингиз маъқул. Нима учун? Сиз, албатта, беҳудага ҳеч бир сўз айтмаслигимни яхши тушуниб олдингиз. Катта асарларни ўқиши давомида асар қаҳрамонлари ҳаёти орқали акс эттирилган ҳудуд жуғрофияси, сиёсати, тузуми, дини, инсонлар дунёқараши билан танишасиз ва лексикангиз ҳам янги сўзлар билан бойийди. Асар сизнинг иш майдонингизга айланади. Бу ерда бемалол минглаб сўзлар, тушунчалар устида тер тўкиш мумкин. Ҳикоялар ўқиганингизда? Иш майдонига энди кўникканингизда ҳикоя тугаб қолади. Янгисини бошлайсиз, яна шу аҳвол.

Асарларда ёзувчилар сўзларни моҳирона тарзда ишлатадилар. Бир асарда битта сўзга ўн марталаб дуч келасиз. Аммо улар ҳар сафар ҳар хил маъно англатади. Матн мазмунидан келиб чиқиб, сўзларнинг ҳатто луғатларда берилмаган маъноларини англаб оласиз. Шу топқирлигингиз сабаб бу сўзлар ва уларнинг маънолари бир умрга хотирангизда муҳрланади. Сўзларнинг қайта-қайта такрорланиши ҳам фақат бизнинг фойдамизга хизмат қиласи. Биз

такрорлаш - билим олишнинг гарови эканлигини яхши билиб олдик.

Асар тили орқали сўзлашув тили - халқ тилига яқинлаша борамиз. Янги маъноли жумла ва ибораларни кашф этамиз. Турган гапки, ҳеч қайси кашфиёт мاشаққатсиз бўлмайди.

Ҳар бир катта асар грамматика бўйича катта сабоқ беради. Асарларнинг дастлабки саҳифаларида сўзлар «қуюлтирилган» ҳолда берилади. Бу чангалзорда йўл топиш дастлаб қийин бўлади. Аммо бора-бора ўрмон анча сийраклашиб қолганини ва юришга қийналмаётганингизни сезиб қоласиз.

Ҳикояларда эса ҳаммаси очик-ойдин. Қиладиган ишнинг ўзи йўқ. Бунга адиларимиз айбдор эмас. Бу жанрнинг талаби шундай. Ахир бадиий асар орқали грамматикани ўрганишимиз уларнинг тушига кирибдими?!

Чет тилидаги каттагина ҳажмли асарни ўқиб тутатгач, ўзингизда қониқиши сезган бўлсангиз, сизни катта муваффақият билан табрикласа бўлади. **Учинчи коида:**

Луғатдан фойдаланишни кескин камайтириинг.

Ҳадеб луғат титавериш нодонлик ва ўзига зулмдан бошқа нарса эмас. Бу сизни асосий

машғулот - ўқишдан чалғитади. Бир сўзни топиш учун луғатнинг керакли саҳифасини очаиз, сўзни қидирасиз, рўйхатдан сўзнинг шу матндаги маъносини топасиз ва ҳоказо. Бир сўзни деб бир неча дақиқа йўқотилди. Сиз яна ҳайрон бўляпсиз, албатта. Агар шундай килмасам, тушунарсиз сўзларнинг маъносини қандай билиб оламан, деяпсиз-а? Намунча ҳайрон бўлаверасиз? Мен ахир сизга рисоламнинг бошидаёқ «бу китобда сюрпризлар кўп» демаганмидим. Ўқиганларингизни шунчалик тез унутасизми?

Менинг сершубҳа ўқувчим, қадрдоним! Сизга шу бир нечта тушунарсиз сўзларнинг маъносини билиш нега шунчалик муҳим? Ахир биз асар ўқияпмизку. Мақсадимиз сўзларнинг маъносини ва қўлланишини матн орқали тушунишку. Тушунмай қолган ўша лаънати сўзингизни ўз ҳолига ташлаб, ўқишда давом этаверинг. Ана, яна шубҳага бота бошладингиз. Сўзларимнинг тўғрилигига ўзингизни ишонтиrolмаяпсиз. Миянгизда турли фикрлар уруш бошлайди энди. Эссиз мия... .

Ўзим ҳам бир пайтлар жингалак сочли бошимни бекорчи нарсалар билан кўп қийнаганман.

Қани келинг, бир неча матнларни, яъни асарларнинг айрим қисмларини таҳлил қилиб кўрайлик.

«Полуэкт Кузьмич Фандорин ... бута ортига яширинди». Бутадан олдинги сўзнинг маъносини тушунмай қолдингиз ва тўхтадингиз. Эҳтимол у катта бутадир ёки хўл бутадир. Қалин бутадир, баобаб бутасидир ёки чой бутасидир. Нима фарқи бор? Шу бутани деб чалғишига мойил мияга яна енгилиб ўтирибсиз. Луғат титишга шошилмай, ўқишда давом этаверганингизда, шу сўз бошқа бир жойда ўз маъносини ўзи очиб берарди. Мана энди диқкатни қайта жамлаш учун анча овора бўлишингизга тўғри келади. Яна бир мисол кўрайлик.

«Полуэкт Кузьмич қаттиқ ғазабланиб, ўша пасткаш золимнинг устига ...» Нима қилди экан? Тушунмадингиз. Хўш айтингчи, сизга Кузьмичнинг душмани устига ўқдай отилгани муҳимми ёки шердай ўкириб ташланганими? Эҳтимол сакрагандир. Матндан кўриниб турибдики, тушунмаётган сўзингиз - феъл туркумига мансуб. Бажарилган иш-ҳаракатни билдирияпти. Сиз ҳозирча шу билан кифояланиб туинг.

Кузъмични тинч қўяйликда, Гарри Поттерга назар ташлайлик.

«Поттер золим лорд Козъермордтнинг изига тушди ва сеҳрли таёқчасини кўтариб олганча ... гуллари қоплаган сўқмоқдан югуриб кетди». Аллақандай гуллар қоплаган сўқмоқ... . Бу қандай гуллар эканининг муҳимлигига ишончингиз комилми? Ёки уларнинг турини аниқлаб, ҳовлингизга экмоқчимисиз? Эҳтимол улар сеҳрли гуллардир ва факат ўша асадаги сўқмоқдагина ўсар... .

Ўзингиз ҳал қилинг. Сизнинг ўрнингизда мен майдачуйдалар кетидан чопмаган бўлардим.

Менга ростини айтингчи, сиз ўз она тилингиздаги ҳамма сўзларнинг маъноларини биласизми? Мен илм-фан ва техникага оид атамаларнинг маънолари ҳақида гапирмаяпман. Сўзлашув тилидаги ҳамма сўзларнинг маъносини билишингизга шубҳам бор. Биз кўпгина сўзларнинг асл маъносини билмаган ҳолда ҳам ўз ўрнида ишлатаверамиз. Бу асло камчилик эмас ва мен ҳеч кимни айблаётганим йўқ. Факат ҳеч ким ўз она

тилидаги барча сўзларнинг маъносини билмайди, демоқчиман. Чет тилидаги сўзлар ҳақидаку, гапирмай қўя қолай.

Гоҳида сўзларни шундай пайдар-пай ишлатадиларки, гап нимадалигини тушунмай ҳам қоласан. Яқинда бир эълон ўқидим: «Компанияга зарарли одатлари бўлмаган қўриқчилар керак». Албатта, гап дала қўриқчилари ҳақида эмас. Мабодо компанияга босқинчилар бостириб кирса, қўриқчилар «Кечирасизлар, муштлашиш зарарли одат. Бизнинг бундай одатимиз йўк» дейдиларми? Ёки, «Биринчи кварталда компания асосий фондининг амортизацияси уч фоизни ташкил этди», деб ёзишибди. Бундан бир нимани тушундингизми? Бу хабар яхшимикин ёки ёмон? Компанияга амортизация нега керак?

Бундай расвогарчиликлар ҳамма тилларда бор. Сиз уларнинг маъносини ковлаштириб овора бўлманг. Шукрки, асарларда тушунарсиз сўзлар кам учрайди. Бундай иккинчи, учинчи даражали сўзлар сизга биринчи ўқищдагина тушунарсиз бўлади. Доимий, дикқат билан ўқиш давомида бу сўзларнинг кўпчилиги тушунарли бўлиб боради. Албатта, бир асарни бир неча марта ўқийсиз ва ҳар сафар ҳар хил

янгиликларни кашф қиласиз. Бу жуда кўнгилли машғулот, хўп деяверинг.

Компьютердан ўқиши маслаҳат бермаган бўлардим. Кўриш қобилиятингизга зарар етказмаслик учун ҳам китобдан ўқинг.

Яна бир маслаҳат: асарда илгари сурилган ғояни тўлиқ англашга ҳаракат қилинг. Шу билан бирга ўз фалсафангизни яратинг. Ўқилган асар ҳақидаги таассурот ва хulosаларингизни ёзиб қўйинг. Асарни иккинчи марта ўқинг ва шундан кейинги хulosаларингизни ҳам ёзинг. Уларни биринчи ўқишдан кейинги хulosаларингиз билан солиширинг. Ўртадаги фарқ сизга кўп нарсани тушунишга ёрдам беради.

Дунёда яна бир ҳақиқат бор. Ҳамма тилларда гўёки айнан ўша тилни ўргатиш учун яратилгандай ёзилган адабиёт ва ўз асарлари билан тил ўргатувчи адиблар бўлади. Масалан, инглиз тили учун Агата Кристи асарлари, француз тили учун Ги де Мопассан, немис тили учун Эрих Мария Ремарк, итальян тили учун Альберто Моравиа асарлари. Чет тилларни ўқитиш бўйича тажрибали кафедраларда буни биладилар ва кўп йиллардан буён шу усулдан фойдаланадилар.

Инсон мияси тўхтовсиз таҳлил қилиш ва фильтрлаш хусусиятига эга. Қандайдир иккинчи ёки учинчи даражали сўзларга йигирма-ўттиз марта дуч келганингиздан сўнг, ҳеч қандай луғатлар ёрдамисиз ҳам унинг асл маъносини тушунаверадиган бўласиз. Чунки миядаги таҳлил жараёни ҳеч қачон тўхтамайди ва ҳатто ухлаётганингизда - сизнинг иштирокингизсиз ҳам давом этаверади. Агар тушингизда ўзингиз ўрганаётган тилда сўзлай бошласангиз ёки шу тилда туш кўрсангиз, билингки, миянгиз сизга ён босибди.

Шу ўринда мавзуга дахлдор бўлмаган бир воқеани сўзламоқчиман. Институтга эндиғина қабул қилинган кунларимизнинг бирида кафедра мудири бўлмиш чиройли ўқитувчи аёл дарс хонамизга кириб келди ва шундай деди: «Орангизда кўпчилик ҳаммасини нолдан бошлаётгани аник. Агар шундайлар бўлса, омадли экансизлар. Сизларга ҳаммасини ўрганиш жуда осон кечади. Орангизда мактабда шу тил бўйича муваф-фақиятларга эришган аълочилар борлиги ҳам аён ва улар тилни қандайдир даражада биладилар. Бундайлар бироз омадсиз экан. Сизларнинг биринчи қиласидиган ишингиз мактабда

ўрганганларингизнинг ҳаммасини миядан ўчириб ташлаш. Ўша бемаънигарчиликларнинг барчасини хотирангиздан бир умрга ўчириб ташланг». Бу воқеа худди кечагидай эсимда. Ҳа-а, олтин даврлар эди... .

Яхшиси, мавзуга қайтайлик.

Тил ўрганиш жараёнида ёш сезиларли аҳамиятга эга. Афсуски, 18-20 ёшдан кейин бу соҳада тезкор муваффақиятга эришишимиз қийин бўлиб қолади. Мен мумкин бўлмай қолади, демаяпман. Тилни 50 ёшда ҳам ўрганиш мумкин. Фақат 20 ёшдан кейин миямиздаги «бетон» қота бошлайди.

Бизда тилни болалар катталарга қараганда тезроқ ва муваффақият-лироқ ўрганадилар деган тушунча бор. Бу фикрга қайсиdir маънода қўшиламан. Аммо тил уммонига болалар ўз хоҳишлари биланг сакрамайдилар, уларни итариб юборадилар ва энди болалар учун бу уммонда сузиб кетишдан бошқа чора йўқ. Болалар ҳеч қайси тилни ўз ички истаклари асосида ўрганишга жазм қилмайдилар. Улар тилни ҳам нон ейиш ва сув ичишни ўргангандай ўрганадилар. Биз катталарда эса танлаш имконияти бор. Биз ҳаммасини ўз истагимизга кўра, ақл билан бажарамиз. Бизда мажбурийлик

йўқ. Эндиғина ерга қадаган уруғимиз эрта-индин ёки бир ойдан кейин эмас, кузда ҳосил беришини яхши биламиз ва экинимизни сабр билан ҳар куни парваришлаймиз. Қайси бола шундай қилганини кўргансиз?

Хуллас, болаларнинг тил ўрганиш салоҳиятига ҳавас қилишнинг ва ўтган йиллар учун афсусланишнинг ҳеч ҳожати йўқ. Сиз омадларга эришадиган айни ёшдасиз. Ахир сизда эрк бор, танлаш имконияти, куч-қувват, режалар тузиш салоҳияти, олдиндан кўра билиш қобилияти, ақл, мустақил фикрлаш, ишчанлик, фалсафа ва ҳаётий тажрибалар бор. Буларнинг ҳаммаси тил ўрганиш жараёнида омадга етакловчи омил ҳисобланади. Эҳтимол, мен имкониятларимизнинг ҳаммасини санамагандирман. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, дўстим, бизнинг яна жуда кўп ажо-йиб қирраларимиз бор.

Хуллас, менинг қадрдонларим, биз сиз билан анча-мунча ҳақиқатлар борасида мириқиб сухбатлашдик.

Қайси соҳа кишиси бўлишингиздан қатъи назар асло унутмангки, ҳеч бир соҳа бўйича мукаммал қўлланмалар бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ,

бундан кейин ҳам бўлмайди. Буни бир дақика ҳам ёдингиздан чиқарманг!

Бизнинг соҳада ҳам шундай. Қандайдир «мутахассислар», айтайлик, испан тилида (айнан испан тилида) сўзлашувчиларга инглиз тилини ўргатиш учун мўлжалланган қўлланмаларни бошқа тилларга (масалан, рус ёки немис тилларига) таржима қиласидилар ва инглиз тилини ўрганиш учун ноёб қўлланма сифатида тарқатадилар. Кечирасиз-у, бу ғирромларнинг но холис бизнеси холос. Ҳарқалай, испан, рус, немис тиллари ўртасида ер билан осмонча фарқ бор ва бу халқ вакилларига инглиз тилини бир хил қоида ва талаблар асосида ўргатиб бўлмайди.

Хў-ўш, энди бир неча оғиз сўз ёндош матнлар хусусида.

Бемаъни қўлланмалар ҳамиша бор бўлганидай, ёндош матнлар, яъни, айтайлик инглиз тилидаги матн ва унинг она тилингиздаги ёнма-ён таржимаси берилган рисолалар ҳам ҳамиша мавжуд бўлиши тайин. Улардан ҳам эҳтиёт бўлишимизга тўғри келади. Чунки улар бу жараёнда биз учун жуда хавфли. Ёнгинасида ўз тилингиздаги таржимаси турган

матн устида ҳеч качон астайдил ишламайсиз. Уни мустақил таржима қилишга уринишингиз мумкиндири, аммо бу ҳам алдоқчи вазият. Бажариб қўйилган ишни кўрган миянинг ялқовлиги тутиб қолади. Сиз ишлаётгандай кўринасиз, аммо кўзларингиз сатрлар устида шунчаки югуриб юради холос. Ўзингизга кучингиз етмай қолади. Бу нарса гўё кичкина болакайнинг олдига бир қути шоколадни қўйиб, болакайдан унга қарамасликни талаб қилишдай бир гап. Бола ҳеч качон бу талабни бажармайди. Буни бажариш МУМКИН ЭМАС! Сизнинг ҳозирги аҳволингизда ҳам шундай. Тайёр матн томон сирпаниб кетаётган кўзларингизга кучингиз етмаслиги табиий. Бу аҳволда мияни ишлашга мажбур қилолмайсиз.

Шуни билиб қўйингки, ҳеч қандай таржима тўлиқ, аниқ ва ягона ишончли таржима ҳисобланмайди. Битта матннинг она тилингиздаги бир нечта таржимаси бўлиши мумкин ва бу вариантларнинг ҳар бири қайсиdir жиҳатлари билан тўғри ҳисобланади. Ҳар бир таржимоннинг сўз танлаш борасида ўз услуби бор.

Сизга тайёр овқатни ейиш ёқаётган бўлса, бу соҳада узоққа боролмайсиз.

Субтитр таржимаси бўлган фильмларни кўришдан ҳам тийилганингиз маъқул. Чунки фильм яратиш жараёнида на режиссёр ва на операторлар субтитр таржима борасида умуман кайғурмайдилар. Шундай фильмларга кўзим тушганида жуда энсам қотади. Булар шу қадар устомон тилбузар «таржимон»ларни қаердан топадилар-а?! Менга шу соҳаларда ҳам кимларнингдир манфаатлари ётгандай туюлади... .

Таржима борасидаги фикрларим ҳамма мамлакатлар ва ҳамма тиллар учун тааллуқлидир. Бу мавзуда узоқ баҳслашиш мумкин. Аммо биз билишимиз керак бўлган битта ҳақиқат бор: таржималар орқали бирор-бир тилни ўрганиб бўлмайди!

Мен ўзимни тутиб тура олмаяпман ва сизга ўзим гувоҳи бўлган ва жуда асабимни бузган ҳолатларни мисол тариқасида айтиб бергим келяпти.

Рус тилига таржима қилинган инглизча фильмларнинг бирида шеригини қалтис вазиятларда йўқотиб қўйган ҳарбий қаҳрамон радиоузатгич орқали шундай дейди: «Жон, бу ёққа кел! Қаердасан, Жон? Кел, келақолсангчи!» Ҳатто инглиз тили ва ҳарбий қоидалардан

умуман бехабар одам ҳам радиоузатгичда алоқага чақириш учун «Қабул!», «Жавоб беринг!», «Қандай әшитяпсиз?» қабилидаги сўзлар ишлатилишини яхши билади. Айнан ўша ерда инглизча «киринг» сўзи ишлатилган. Британиялик ва америкаликлар бу сўзни эшик тақиллашига жавоб тариқасида қўллайдилар, аммо ҳарбийлар орасидаги радиоалоқаларда бу сўз «жавоб беринг» деган маънони билдиради.

Холбуки, таржималар текинга қилинмайди. Модомики шундай экан, тилни расво қилиш ҳисобига бойишларига ҳам чираб бўлмайди. Ёки улар бизнинг устимииздан куляптиларми?

Бир неча кун олдин ойнаи жаҳонда бериладиган янгиликлар кўрсатуви орқали ғалати гап, тўғрироғи ғализ бир таржимани эшитиб қолдим. Нима эмиш, Американинг собиқ вице-президенти Альберт Гор Хитой билан савдо алоқалари чемпиони эмиш. Бу қанақа саводсизлик бўлди ахир! Ҳа, ҳеч шубҳасиз, бу Америка телеканалларидан олинган лавҳанинг рус тилига сўзма-сўз таржима қилинган шарҳи эди. Инглиз тилида «чемпион» сўзи бир неча маъноларни

билдиради. Шулардан бири «бутун куч-қувватини маълум бир мақсадга йўналтирган одам» деганидир. Мана, аслида гап қаерда экан.

Дилимни ранжитадиган яна бир нарса бор. Мен рисолам орқали барча кинематография, телевидение ва бошқа соҳа таржимонларига ҳам бир илтимос билан мурожаат қилмоқчи эдим. Сизлардан ўтиниб сўрайман, муҳтарам ҳамкаслар, барча хориж полициячиларини «полиция офицерлари» дея аташни бас қилсангиз. Эҳтимол ҳозиргача бу атама ва унинг маъноси устида бош қотиришга ҳеч бирингизнинг вақtingиз бўлмагандир. Сизларни ишонтириб айтаманки, Америка, Британия, умуман чет эл полициячиларининг ҳаммаси ҳам офицер эмас. Уларнинг орасида сержантлари ҳам ва умуман ҳеч қандай унвонга эга бўлмаганлари ҳам бор. Нега уларнинг ҳаммасини офицер деб атайсизлар? Барча тиллар ва қабул қилинган қоидаларда «офицер» сўзи алоҳида маъно ва тушунча билдирувчи сўз ҳисобланади. Погони бор маҳсус кийим кийганларнинг ҳаммаси офицер бўлавермайдику. Россияда кичик лейтенантларнинг унвони оширилгачгина

офицер ҳисобланишини билсангиз керак. Америка ва Британияда ҳам худди шундай. У ёкларда полиция офицерлари оператив ишларда умуман қатнашмайдилар, қонун бунга йўл қўймайди. Улар ҳатто ўз иш кабинетларидан ҳам жуда кам чиқадилар. Сизлар бўлсангиз, киноларда жиноятчини қувиб юрган формали ҳар бир одамни «полиция офицери» деб атайсизлар. Инглиз тилида «офицер» сўзининг бир нечта маъноси бор. Офицер аслида «юқори тоифали шахс» дегани бўлиб, унинг «хизмат қилувчи» деган бошқа маъноси ҳам бор. Айнан шу маъносига кўра бу атама хусусий компанияларнинг бош ҳисобчиларига нисбатан ҳам қўлланилади.

Телевидение ва кино саноати таржимонларига битта тавсиям бор. Дунёда шундай китоблар борки, уларда бир устунда чет тилидаги сўзлар, ёндош устунда эса уларнинг она тилингиздаги таржимаси берилган. Фанда бу китобларни «луғатлар» деб атайдилар. Луғатларнинг сотувга чиқарилганига анча йиллар бўлган. Илтимос, озгина вақт ажратиб, «офицер» сўзининг луғатларда берилган маъносига бир кўз югуртириб олсангиз.

Менинг қадрдон сухбатдошим, нима учун таржима қилинган фильмларни кўрманг, деганимни тушунаётгандирсиз ва кескин фикрларим учун мени кечиргандирсиз. Бундай мисолларни ўнлаб келтиришим мумкин.

Биз «Ас» яъни уста ва моҳир таржимонларга жуда-жуда муҳтожмиз, азиз дўстим, жудаям... .

Бу соҳада менинг эришган муваффакиятларим оз эмас. Мен қилган ишларни, шубҳасиз, сиз ҳам қила оласиз. Бир кунда чет тилидаги асарнинг юз сахифасини ўқир эдим. Демак, бу сизнинг ҳам қўлингиздан келади.

Ўқишдан зерикканингизда фильм кўринг ёки матн тингланг, кейин яна ўқинг. Олдин ўқиганларингизни ҳам вақти-вакти билан қайтариб туринг. Мақсад битта: ўрганилаётган тил билан алоқани асло узмаслик. Мияга шу ҳакда мунтазам уқтириб туринг, керак бўлса босим ўтказинг. Бу жараёнда ҳар бир нарса сизга ё ижобий ёки салбий таъсир ўтказа олади. Ҳатто кийим-кечаклар ҳам. Ишонмайсизми? Унда нима учун спортчилар ёки роҳиблар маҳсус кийим киядилар? Жинси шим кийган роҳибнинг

ибодат қилаётганини ёки костюм-шым кийиб олиб рингда кураш тушаётган боксчини тасаввур қила оласизми? Улар махсус кийимлар кийгандан сүнг ўзларини спорт ёки Будда таълимотлари оламида эканликларини чукурроқ ҳис киладилар. Ташки оламдан тезроқ узиладилар.

Сиз ҳам ўз она тилингиздаги ҳар кандай алоқадан қочинг: она тилингизда ўқиманг, кўрманг, эшитманг! Унда атрофда бўлаётган воеа-ходисалардан бехабар қоламанку, демоқчисиз-а? Кечирасиз-у, ҳозиргача ҳамма нарсадан хабардор бўлганингизга шубҳам бор. Телевидениеда берилаётган, газеталарда ёзилаётган воеа-ходисаларнинг ҳаммаси ўзингиз учун муҳимлигига ишонасизми? Менимча, жуда унчалик эмас.

Бизнинг ишимизда шошмашошарлик ярамайди. Бу ерда тезкор ҳужум уюштиришлар, қаҳрамонликлар кетмайди. Сабр ва қатъийликкина сизни омадга етаклайди. Ҳамиша қатъий режа асосида, ўйлаб иш қилинг. Бутун диққат-эътиборни жамлаб тил уммонига шўнғиши, шўнғиганда ҳам энг чуқур ва қоронғу жойларгача етиб бориш керак. Бу жойларда

сизни бойитиб юборадиган асл марваридлар истаганча топилади.

Орангизда мусика ёки спорт билан шуғулланганлар бўлса, яхши биладиларки, машғулотлар билан узоқ вакт шуғулланилмаса, ҳаммаси эсдан чиқиб кетиши мумкин. Афсуски, бу ҳолат тил билан шуғлланиш борасида ҳам юз беради. Мен «тил билан» деяпман, «чет тили билан» деяётганим йўқ. Негаки, бу она тили билан ҳам боғлиқ муаммодир.

Она тили дунёда мاشаққат билан ўрганиладиган ва биз яхши биладиган тилларнинг биттаси. Ҳеч ким онасидан она тилини ўрганган ҳолда туғилмайди. Шундай экан бу тилни ҳам доимо такомиллаштириб, ўрганиб бориш ва зинҳор унутиб юбормаслик керак. Сиз хорижга борганингизда у ерда яшаётган ҳамюртларингиз билан ўз тилингизда сўз-лашиб кўрсангиз, нега бундай деяётганимни тушунасиз. Ўзим ҳам Аме-рика ёки Британияда рус тилида инглизча акцент билан гапираётган ҳамюртларимни кўрганимда жуда хафа бўлганман. Ваҳоланки, улар ҳаётларининг катта қисмини Россияда ўtkазганлар. Бундайларнинг «саъй-ҳаракатлари» туфайли рус ва инглиз тиллари қоришимасидан иборат ола-қуроқ тил

пайдо бўлган. Улар «Ана менинг чидцреняларим стритда ўйнаяптилар» ёки «Мен бугун жоп-клубдаги велферга боришим керак», «Сув айс билан бўлсинми, айссизми?», - дер эдилар. Гоголь, Толстой, Тютчевлар тилини брайтонлик колбасачилар тилига алмаштириб юбориш шу қадар осон бўлдими? Аммо бу ҳолат хорижда бир неча йил яшаб қолаётган барча кишилар билан, ҳатто бу жоҳилликка қарши бўлган кишилар билан ҳам, дунёдаги барча тиллар билан ҳам содир бўлмокда.

«Менга паунд чиз берсангиз», - деди Москвадаги дўконларнинг бирида Америкадан келган рус кишиси сотувчига. Кетидан «шшс» дейишни ҳам унутмади.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳатто она тили унутилар экан, ўзга тил ҳақида нима дейиш мумкин? Лекин чўчишнинг кераги йўқ. Урганилган ҳеч бир нарса миядан бутунлай ўчиб кетмайди. Миянинг қоронғу бир бурчагида уни ҳаётга қайтаришингизни кутиб ўтиради ва уни фаоллаштириш унча қийин бўлмайди.

Волгабўйи ўлкасидаги немислар тилининг такдири жуда аянчли. Уларнинг тили ё ривожланишдан тўхтаб қолган ёки бутунлай бошқа йўналишдан кетган. Ўзагидан ажраб

қолгани учун ўлик тилга айланиб бормокда. Волгабўйилик бир немис ўқитувчи қизил майдонда бир грух германиялик немисларни учратиб қолади ва улар билан сўзлашмоқчи бўлади. Унинг маҳаллий немис тилини германияликлар мутлақо тушун-маганлар. Ўқитувчи ҳам уларни тушунмаган.

Менинг бир танишим ғалати воқеани айтиб берганди. У қандайдир делегация билан Англияга борган кунларнинг бирида ёшгина, ёқимтой бир жувон делегациядагиларнинг руслар эканини эшитиб, сўзлашгани келади ва рус тилида кучли инглизча акцент билан, жуда қийналиб гаплашади. Делегация аъзолари бу аёл Англиядаги рус мухожирларининг юртдан олисда туғилган фарзанди экан, деган қарорга келадилар ва ота-боболарининг тилини унумтмаган қиздан ўз кўнгилларида жуда миннатдор бўладилар. Эртаси куни хоним яна ташриф буюради. Ундан «Аждодларингизнинг Ватани бўлмиш Россияда ҳеч бўлганмисиз?», -деб сўрайдилар. Аёл ажабланади ва Россияда туғилиб ўсганини, Англияда яшай бошлаганига эса етти йил бўлганини айтади... .

Хўп майли, келинг ўз ишимизга қайтақолайлик, менинг қаноатли ўқувчим.

Тил ўрганиш жараёни чегараланмаган, исталганча вақт сарф қилиш мумкин бўлган машғулот эмас. Унинг ҳам ўзига хос қоидалари бор. Дастребаки уч-тўрт ой мобайнида сиз қандайдир ютуқларга эришишингиз даркор. Бу нарса курашни давом эттиришда сизга руҳий мадад бўлади. Тил ўрганиш соҳасида тажрибаси бўлмаган кишининг ўзига ишончи кам бўлади. У тутган йўлиниңг тўғрилигига ишонишни истайди.

Мен бу соҳада анчайин тажриба орттирган, мазкур жараённинг паст-баландини яхши биладиган шахс сифатида дастребаки машғулолар учун етти-саккиз ой, борингки, бир йилни ҳеч иккиланмай сарф қилишим ва сабр билан меҳнат қилишим мумкиндири. Лекин бу соҳада янги одамниңг бундай қилишга тоқати етмайди. У қисқа фурсатларда меҳнатининг натижасини кўришни истайди.

Тасаввур қилинг, мен уй қурмоқчиман. Сизда ҳам шундай истак бор. Уй қуриш учун еrimiz ҳам бор. Мен ўз ишининг бўлажак устасидай қурилиш ашёлари учун буюртма бераман. Тасаввуримдаги уйниңг қаерига гилам илишдан тортиб, қайси дераза токчасига қандай гултувакда қайси турдаги гулни қўйишимгача

хаёлан пишитиб қўяман. Буюртма қилинган ашёларнинг келтирилиш вақтидан тортиб, ҳар бир ишга қанча вақт кетишини ва қандай тезликда ишлашни аниқ ҳисоб-китоб қилган ҳолда, ҳеч шошилмай ҳаракат қиласан.

Сиз бу пайтда шошқалоклигингиз сабаб талvasага тушиб қоласиз. Қурилиш иши бўйича умуман тажрибангиз йўклиги аниқ. Лекин шунга қарамай, ўз қўлларингиз билан уй қуришга аҳд қилгансиз. Пойдевор битгач, ғишт урилса, томни ёпиб, пол ва шифтларни битказилса, эшик, дераза ўрнатилса - тамом деб ўйлайсиз. Аммо бу ерда жой-жойига қоқилиши керак бўлган михлар, ўрнатилиши лозим бўлган халқалар, гайкалар, шуруплар, илгаклар бор...эҳ-ҳе... Сизга жуда қийин. Иш давомида ҳаммаёғингиз тилинган, кўкарган, бошдан-оёқ лойга беланиб, оёқда зўрға турибсиз. Аммо қураётганингиз ҳечам уйга ўхшамаяпти. Тўғриси, қўшни итнинг уйчаси ҳам бундан чиройли эди. Сиз энди қурилиш майдонида камроқ кўрина бошлайсиз ва бора-бора келмай ҳам қўясиз. Тамом. Немисча айтганда «капут».

Иўқ, келинг давом эттирайлик. Биз сиз билан қўшнилармиз ва турган гапки, менинг чиройли уйим ҳавасингизни келтиряпти. Ахир мен бу

уйни сизнинг кўз олдингизда ўз қўлларим билан қурдимда. Сиз мендан уй қуришни ўргатишмни сўрайсиз. Мен жон деб сизга бу борада маъruzалар ўқийман. Қурилиш ашёларини қандай тайёрлаш ва ишлатишни ўргатаман. Сиз ҳам сабоқларимга бажонидил қатнай бошлайсиз. Мен сизга қурилиш учун керак бўладиган майда-чуйда асбобларнинг узундан-узун рўйхатини бераман ва уларнинг номини, нимага ишлатилишини ёдлаб қолишини ва уларни олиб келишини талаб қиласман. Сиз ички ишончсизлик билан бу ишга киришасиз. Чунки бу юзлаб нарсаларнинг ўзини кўриш тугул номини ҳам энди эшитиб турибсизда. Шунча харакат қилдингиз, аммо қаршингизда на пойдеворни, на деворни ва на томни кўряпсиз. Атрофингизда факат қоп-қоп цемент, бўёқ идишлари, рулонлар, аллақандай шуруплар, темир-терсаклар қалашиб кетди. Уларнинг ёқимсиз хидлари димоғингизни ёрай деяпти. Улар билан қандай қилиб чиройли ва шинам уйни бунёд этиш мумкинлигига сира тушунмаяпсиз.

Шу ҳолингизда энди мен умрингизда биринчи бор кўриб турган асбобларни қандай ишлатишни ўргата бошлайман. Сиз ҳам ҳар

қанча қийин бўлмасин мени тушунишга ҳаракат қилиб астойдил тинглайсиз, аммо уй қуришга бўлган истагингиз қайноқ газ пецидаги муз бўлагидай эрий бошлайди ва йўқолиб ҳам кетади. Сиз бу сонсиз сабоклар ичида ҳеч қандай амалиётни кўрмадингиз ва назарингизда менинг уйим ҳам тайёр ҳолида осмондай тушгандай ёки Гарри Поттернинг сехрли таёқчаси ёрдамида бир зумда пайдо бўлгандай, туюла бошлади. Сиз аллақандай винтчалар ва шпунтчалар, алламбало ускуналардан зерикдингиз. Узундан-узоқ сабокларимдан бошингиз ғовлаб кетди. Сиз ҳатто менинг қурилиш ишларини тушунишимга ҳам шубҳалана бошладингиз. Ишларни тўхтатишга қарор қилдингиз.

Эссизгина, ахир биз эндиғина пойдевор қуришни бошламоқчи эдик. Ҳамма нарса тайёр бўлган эди. Яна икки ҳафтагина сабр қилсангиз бўлардику! Натижага яrim қадам қолган эди-я!

Хуллас, сиз тамом дедингизми, демак, тамом!

Энди бу икки ҳолатни таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчи ҳолатда сизда иштиёқ ҳам, меҳнатсеварлик ҳам бор эди. Аммо тажриба

етишмади. У ҳолни тавсифлаб ўтириш шарт ҳам бўлмаса керак. Ҳаммаси кундай равшан.

Иккинчи кўринишдачи? Бунда ҳам сиз катта ҳавас ва қизиқиш билан иш бошладингиз. Фақат энг катта айб менда бўлди. Чунки ўргатувчи ҳар бир ишда инсондаги ожиз томонларни албатта ҳисобга олиши шарт эди. Ишни шундай ташкиллаштириш керак эдики, токи қисқа вақтлар ичидаги ўрганувчи бошлаган ишининг кичик бўлса ҳам натижасини кўриб, қувона олсин.

Дастлабки сабоқлардан сўнг сизга пойдевор қурдишим ва устига бир қатор бўлса ҳам ғишт тердишим лозим эди. Шунда сиз меҳнатингиз натижасидан қувонган, ўз кучингизга ишонган бўлардингиз. Истакларингиз бу қадар тез сўнмасди. Биринчи ғалабанинг таъмини тотиб кўргач, кучингизга куч қўшиларди. Ишонч ва матонат билан, яхши кайфиятда ишни давом эттирган бўлардингиз. Афсус, бундай бўлмади.

Ҳамма айб - ўқитувчида. Унда донишмандлик етишмади. Куруқ сафсалалар билан ўқувчилар ишончини қозониб бўлмайди.

Хуллас, менинг тажрибасиз «қурувчим», ишингизнинг дастлабки ик-кинчи, учинчи

ойларида кичкинагина бўлса ҳам натижа ва муваффақиятларни кўриш сизга албатта керак. Бўлмаса қураётган уйингиз чала қолиши мумкин. Ўқитувчингиз ҳам оқил бўлмоғи лозим. Ўқитувчилик дипломи бўлган ҳар бир одам ҳам ўқитувчи саналавермайди. Мабодо устозлик қиласман деган одамингиз юз йиллик эски усулларга содик бўлса, сиз ўқитувчи эмас, истакларингизни сўндирувчи хавфли душманга дуч келибсиз.

Ҳа-я, эски усуллар... . Ахир чет тили факультетларида ўша эски усуллар билан ҳам муваффақиятларга эришяптиларку, тўғримасми?

Тўғри, дейишга бироз шошмай туринг. Муваффақиятга эришишда билимдан ташқари омаднинг ҳам аҳамияти катта. Мен ҳаётим давомида эришган муваффақиятларига ўзини лойик ҳисобламай, виждони қийналган одамларни ҳам кўрганман. Ҳар доим ҳақиқатнинг кўзига тик боқиши даркор.

Биз ҳамиша ўқув тизимини эмас, ўзимизни айбдор қилишга ўрганганмиз. Тизимга қарши туришни маъқул кўрмаймиз. Ҳатто шу нарса ҳам аслида, ўша ўқитиш тизимининг таъсиридир. Ахир бизни кичкиналигимизданоқ

ҳар нарсага - хўп, дейдиган яхши бола бўлишга ўргатишганда. Болалигимизданоқ шовқин солмай жим ўтиришга, катталарга сўзсиз қулоқ солишига, тартиб-қоидаларни бузмасликка ўргатилғанмиз. Мана, дарсларда ҳам жим ўтирдик, уйга берилган топширикдарни тўлиқ ба-жардик, доимо ўқитувчининг айтганини қилдик. Неча йиллик қоидаларни ўқитувчига қўшилиб тўтидай такрорладик, улар тавсия қилган китобларга бемаъно тикилиб ўтирдик, бутун мамлакат йиллаб бажарган машкларни биз ҳам бажардик, хуллас ўкув тизими яратган барча нарсанинг тилсиз ижрочиси бўлдик ва алалоқибат аллакимлар эришган ютукларга нечадир мингинчи бўлиб биз ҳам такрор эришдик. Кўпчилик буни жуда яхши билади ва бу муваффақиятларни меники дейишдан ор қиласди.

«Биз» деганимда мен сизни назарда тутганим йўқ, қадрдон сухбатдошим. Сизни кучсиз ва ландовур деб, асло ўйламайман. Мен сизга ишонаман! Агар акси бўлганда, сизга дардимни дастурхон қилмаган ва қимматли вақтимни сарф этмаган бўлардим. Мен сизнинг ёлғонлар ва чалаҳақиқатлардан чин ҳақиқатни ажрата олишингизга, мустақиллигинги зни бой

бермаслигингизга, ҳар қандай алдоқчи таъсирларга берилмаслигингизга ишонаман. Илмнинг жаннатмакон оламига ёруғ юз билан кириб бори-шингизга имоним комил.

Хозиргача мен қуруқ сафсата сотганим ва мاشаққатларни хаспўшлаб кўрсатганим йўқ. Шундай экан, яна бир ҳақиқатни тан олайлик. Бу жараёнда дуч келишингиз аниқ бўлган тўсиклардан яна биттаси - яқин кишиларингизнинг қаршилигидир. Ха, ҳар қанча кўнгилсиз бўлмасин, бу ҳақиқат! Эҳтимол уларнинг қаршилиги очик-ойдин бўлмас ва шунинг учун ҳам сиз ҳозиргина кўнглингиздан «йўғ-е, бунақа бўлиши мумкинмас», -деган ўйни ўтказдингиз.

Надоматлар бўлсинким, инсон табиати азалдан шундай. Яқин кишиларимизнинг қозонган зафарларида ҳеч бир улушимиш бўлмаслиги мумкин, аммо уларнинг ҳаётидаги катта-кичик кўнгилсизликларда аниқ ҳиссамиз бор. Яқинларимизнинг балчиққа юзтубан йиқилишларига совукқонлик билан қараб турамиз ва айни пайтда эгнимизга лой сачрамаслиги учун четроққа чиқиб оламиз.

Оддийгина бир мисол: ичишни ташлаган одамга яқинлари аллақандай маросимларни пеш

қилиб ёки кимларнингдир кўнгли учун бир рюмкагина ароқни «оппоқ қилиб олиш»ни астойдил талаб қиласидилар. Бунинг ҳеч қандай зарари йўқлигига ишонтириб ҳам кўядилар.

Мана кўрасиз, сизга ҳам албатта, дам олишни, бироз танаффус қилишни, мияга ором беришни таклиф қиласидилар. Дангаса миянинг қўли баланд келиб турган дақиқаларда бу «мехрибончилик»лар сизга мойдек ёқади. Улар сизга ачингандек қарайдилар, лекин нима учун?

Менинг соддагина қадрдоним, бу йўлда ҳеч кимдан сизни қўллашларини кутмай кўяверинг, чунки бу майдонда якка ҳолда курашилади. Сизнинг биргина ҳамкорингиз бор, у ҳам бўлса - ўзингиз. Айнан шу сабабли ҳам, доимо ўз-ўзингизни мукофотлаб боринг. Ҳеч қачон бошқалардан мақтov ёки рағбат кутманг.

Ҳеч қандай камчилик ёки уқувсизликлар, вақтинчалик тушунмовчи-ликлар учун ўзингизни койиманг ва айбламанг.

Ўзингизга ҳаммадан кучли эканлигинизни уқтиришдан уялманг. Энг яхши ва тўғри баҳо - ўзингизга берган баҳонгиздир. Ва ҳеч қачон «бир кун келиб чет элликлар уларнинг тилини яхши ўрганганим учун менга қойил қоладилар ва маҳоратимга таҳсинлар айтадилар», - деган

хомхаёл билан бошингизни айлантирманг. Бу беҳуда гап. Негаки, улар учун сизнинг тил билиш, билмаслигинги сиражам қизиқ эмас. Тилда Виконт де Бражелон даражасида мукаммал сўзлаша оласизми ёки тилни бузиб, қўпол акцент билан гапирасизми - уларга барибир. Улар сизнинг хатоларингизни кўрсатиб бермаганлари дай, ютуқларингизни ҳам тақдирламайдилар. Хорижликлар учун сиз уларнинг катта ва ҳамиша гавжум кўчаларидан ўтиб кетаётган ўткинчилардан бири siz холос. Дунё ўзи шунаقا. Шундай экан, интилишларингиз ва ютуқларингиз учун шутопдаёқ ўзингизни мукофотланг, қувонинг. Бошқа ҳеч ким бундай қилмаслигини ва сизни тақдирлаш-тақдирламаслик бошқаларнинг ўта шахсий иши эканлигини унутманг.

Ҳаётда ҳар битта муваффақиятсизликдан тушкунликка тушавериш кишини кўнгилсизликлар уммонига чўктириб юборади. Мени ҳаммасига осонгина эришган деб ўйлайсизми? Бу йўлда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Шундай одамларга дуч келасизки... . Бошимдан ўтган бир воқеани айтиб берайми?

Тақдир мени бир зодагон бойга тил ўргатиш учун ёлланма ўқитувчи сифатида дучор қилган

кунларнинг бири эди. Айтишим керакки, мен ўз ишимни қиммат нархларда баҳоламаган ва зодагонлар ҳаётига яқинлашишга уринмаган инсонман. Укувчим бўлмиш муҳтарам жаноб анча киришимли, ҳаракатчан ва ҳатто меҳрибон ҳам эди. Сабокларимиз кун сайин яхши натижалар бериб борар, жаноблари ҳам ёшлиқ даврлари ўтиб қолганига қарамай, астойдил ҳаракат қиласардилар. Аммо ич-ичимдан барибир ҳаммаси охиригача шундай силлиқ кечмаслигини, мусаффо осмонимизни булат қоплаши мумкинлигини хис қиласардим. Хато қилмаган эканман. Тинч оқадиган сувнинг туви лойқа бўлади, деган гап жуда топиб айтилганда.

Навбатдаги сабокни ўтиш учун ўқувчимнинг ёзги саройига ташриф буюрар эканман, ҳашаматли дарвозадаги жуда усталик билан яширилган кузатув камералари мени ҳар қачонгидан кўра узокроқ кузатаётгандай, ҳатто фикрларимни ҳам ўқиётгандай туюлди. Ичкарига киргач, бироз довдирағ қолдим. Менинг маданиятли рицарим ҳали нонуштасини тугатмаган, нонушта учун атайлаб Тинч океанидан янгигина тутиб келтирилган балиқни шошилмай тановул қилганча, bemalol газега ўқирди. Алам қиласардигани, у менга қараб

ҳам қўймади. Сабоқ ҳақида умуман унутгандай кўринарди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайман. Жаноби олийлари қоринлари тўйганига ишонч ҳосил қилдилар шекилли, ёғли қўлларини шошилмай тозалаб, машҳур хуштаъм пиво билан нафсиларини сийлагачгина, мен шўрликка ўгирилдилар. Унинг кўз қарашидан баданимда минглаб чумоли ўрмалагандай бўлди.

- Сизга бир саволим бор! - сокин, деярли майин овозда сўз бошлади зоти олийлари, узоқ жимлиқдан сўнг.

Эшитаман, - дея олдим зўрға. Овозим ҳам ўзимга бегонадек туюдди.

Мен кеча китоб дўконига кирган эдим.

Хўш?

У ерда анча қиммат турадиган янги қўлланмалар бор экан.

Хўш?

- Унда биз нима учун мана бу бўйича шуғулланяпмиз? - у бармоғини никтаб, инглиз тилини ўрганиш бўйича чиқарилган қўлланмаларнинг ичида энг маъқули дея ҳисоблаганим ва машғулотларда қўллаётганим арzonгина рисолани кўрсатди.

Мен ғалати аҳволга тушиб қолдим. Ўша куни машғулотимиз қандай ўтганини билмайман. Фақатгина олийнасаб зотнинг шахсий ҳайвонот боғидаги Танзаниядан келтирилган ноёб хўролар айюҳаннос солиб тонгдан хабар бермагунича босинқираб чиқканим эсимда. Одамларнинг бу қадар калтафаҳмларча фикрлаш тарзи ҳамиша ғазабимни келтиради.

Ўша тонгда сабоқхонамизга шахдам қадамлар билан кириб бордим. Зоти олийлари менга «ҳалиям шу ердамисан?», - дегандай норози назар ташлади.

Сиз отда чопишни биласизми? - сўрадим кибор ўқувчимдан.

Ҳа, билар эдим... - ажабланди у.

Айтингчи, мен минг долларга яхши бир от сотиб ололаманми?

Сотиб олишнинг ҳеч кераги йўқ. Яқин бир дўстимнинг от фермаси бор. Бориб бемалол ўрганишингиз мумкин.

Агар минг долларга от сотиб олсам, унда чопишни ўрганишимга қанча вақт кетади? - сўрадим мен унинг таклифига парво ҳам қилмай. Зодагон менинг унча бақувват бўлмаган

жуссамга бироз тикилиб турдида, ишончсиз бир оҳангда

- Ярим йилда ўрганиб олсангиз керак, - деди.

Агар мен ўн минг долларлик от сотиб олсамчи? - қатъий оҳангда давом этдим мен.

Бу от билан чопиши минг долларлик отга қараганда ўн баробар тезроқ ва яхшироқ ўрганаманми?

Жаноб менга бир муддат тикилиб қолди. У гап нимадалигини фахмлаган эди. Орага чуқур жимлик чўкди. Бу жимликни олигархнинг буюртмаси билан Швецариядан келтирилган ноёб девор соатининг чиқиллаши-ю, шахсий ҳайвонот боғидаги Суматра тимсоҳининг секин ириллашигина бузиб туради. Оранжереядаги Полинезия какадуси эса кулгили қиликлари билан диққатни ўзига тортмоқчи бўларди.

Ва ниҳоят жаноби олийлари ўйчан нигоҳларини мендан узди. Кўлига дарсликни олди:

- Кеча қаерда тўхтаган эдик?..

Мен кўксимни тўлдириб нафас олдим ва ҳаётнинг жуда ажойиб, гўзал эканлиги ҳақидаги фикрлар билан кўнглимни кўтардим. Ана шунаقا!

Келинг, яна ўша чет элликлар мавзусига қайтайлик.

Чет элликлар чет тилини биладиларми? Бу қанақа савол бўлди, деяпсизми? Жавобингиз борми? Ўйланиб қолдингиз-а? Мана, азиз дўстим, сухбатларимизнинг таъсири! Сиз ўйлаб ўтирмай жавоб беришдан тийила бошладингиз.

Олдингизга сизнинг тилингизни ўрганаётган хитой кишиси келиб, ўзини қийнаётган саволлар билан, айтайлик, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларга оид саволлар билан мурожаат қилса, уни қониқтирадиган даражада (мен профессионал даражада демаяпман) жавоб бера оласизми?

Буларни нега гапиряпман? Гап шундаки, ҳар бир тил ўрганувчи, масалан инглиз тилини ўрганувчилар инглиз тилида гапиравчиларнинг ҳаммаси шу тил ҳақидаги барча нарсани билади, деб ўйлайдилар. Шуни яхши билингки, азиз ўқувчим, хорижиклар ҳам сиз билан мен каби оддий одамлар. Уларнинг ҳам худди биз каби ожиз томонлари, камчиликлари бор. Улар ҳам эски тизимларга асосланган мактабларда ўқиганлар ва грамматикани ўрганиш иштиёқида ёнаётганлари йўқ. Уларни саволлар билан қийнаманг. Оддий ҳақиқатлардан кўз юмишга

ўрганманг. Барибир, саволларингизга тўлиқ жавоб ололмайсиз. Ажнабий сухбатдошингиз ё иши кўплигини, ё вақти йўклигини баҳона қилиб қочиб қолади ёки сизни ғазабнок нигоҳлари билан «сийлайди».

Албатта, бу ажнабийлар билан сухбатлашиш сизга фойда бермайди, дегани эмас. Улар билан исталган мавзуларда сухбатлар қуинг. Сух-батдошингизни диққат билан тингланг, лексик, грамматик, фонетик таҳлиллар қилинг. Сўз қўллаш услубларини аниқланг. Саволларингизга жавобларни эса яхиси маҳсус адабиётлардан изланг. Тил эгаларидан кўп нарсани ўрганиб бўлмайди. Мабодо сухбатдошингиз шалоқ сўзлардан уялмайдиган нусха бўлса борми!

Бир пайтлар мен қуёшли Ўзбекистон фуқароси бўлмиш очик табиатли, меҳнатсевар ва содда одам эканлиги юзидан шундоққина кўриниб турган ўзбек кишиси билан рус тилида сўзлашиб қолган эдим. Сухбат жараёнидан билдимки, бу одам рус тилини Россияда қандайдир қурилишларда ёки қора ишларда ўрганган. Унинг оғзидан чиқаётган сўзлар ичидан фақат «она» сўзинигина сизга айтишга уялмайман холос. Мен сухбатни кўп чўзиб

ўтирмадим ва уйда душдан оқаётган иссиқ сувда чўмилгачгина ўзимга келдим. Мен у одамни ёмон дейиш фикридан мутлақо йироқман. Аминманки, бу самимий инсон ўз она тилида ҳеч қачон бундай оҳангда ва маънода (айниқса нотаниш одамга) гапирмайди. Бу халқнинг нечоғлик андишали эканлигини билганим учун хам шундай деяпман.

Гап шундаки, бу ўзбек, юртимиздаги саёклар ва ахлат титарлар сингари одамсимон ҳайвонларнинг доирасида кўп ўралашиб қолган ва уларнинг тилини айнан рус тили сифатида қабул қилган. Тузукроқ эътибор берилса, ҳаётда бу каби айбсиз айборлар сони оз эмас.

«*Оддийлик - ўғриликдан ёмон*» деган ҳикматни анойи одам айтмагани аниқ. Сиз ҳам, менинг соддагина биродарим, оддий кўча сўзлари атрофига ўралашманг.

Менинг америкалиқ ҳарбий ўқувчиларимдан бирининг рус тили бўйича илк устози болтиқбўйилик шахс экан. Ўша курсант рус тилида енгил болтиқбўйи акцентида гапирар эди.

Ха, айтгандай, ишончли хизмат вакиллари бўлмиш дўстларимнинг хабар қилишларича, менинг ўзбек танишим рус тилида бинойидай

сўзлашни ўрганиб олганмиш. Шаҳар бозорларидан бирида фаррош бўлиб ишлаётган бу азаматнинг сўзлашув услуби зодагонларнидан қолишмасмиш. Жони оғриб турган бир аҳволда «Мени авф этасиз, муҳтарам жаноб, сизга шуни маълум қилишга мажбурманки, кувалдани оёқларимга уриб олдингиз», - деган эмиш. Унинг бу сафарги тил ўргатувчиси рус мумтоз адабиётининг муҳлиси эканлиги аник.

Ҳа, модомики, биз йўлда эканмиз, ҳамиша эҳтиёт бўлишга тўғри келади.

Мен сизга нимани ўқиши кераклиги борасида тавсиялар бердим. Кўрадиган, тинглайдиганларингизни ҳам ажратиб олган бўлсангиз керак. Иўқ, шу ерда бироз тўхтаб ўтайлик. Сиз тажрибасизлик қилиб, ўрганаётган тилингизда айтилган ҳар қандай кўшиқ сўзларини таржима қилишга уринишингиз мумкин. Кўпинча ҳеч балога тушунмайсиз. Ҳозир дунёда шундай гуруҳлар урчиб кетганки, уларнинг тилини тукқан оналари ҳам тушунмасалар керак. Сиз бундай алжираганлар билан алаҳсиб ўтируманг.

Телевидение орқали бериладиган янгиликлар ва таҳлилий кўрсатувларни кўриш

фойдадан холи бўлмайди. Табиийки, мен унда айтилган ҳар бир нарсага ишонинг, деяётганим йўқ. Яхши томони телевидениеда кўрган янгиликлар матнини интернетдан топишингиз мумкин.

Тил ўрганишда ҳайвонот ва наботот олами, табиат сирлари, жуғрофий кашфиётларни акс эттирувчи фильмларнинг фойдали таъсири катта. Бундай фильмларнинг тили жуда бой бўлади.

Яна бир гап. Профессионал сухандонлар, ҳеч шубҳасиз, матнларни стандарт тилда ўқийдилар. Талаффузлар, оҳанглар адабий бўлади. Шу жойда ҳам ҳушёрроқ бўласиз. Мисол учун, сухандонлар томонидан рус тилида ўқилган матнни эшитиб кўринг. Бу тилда ҳамиша шундай гапириш керак деб ўйлайсизми? Асло йўқ. Бу худди балиқ овига смокинг кийиб боришдай ёки автобус бекатига солдатча қадам ташлаб, ҳар бир қадам ташлаганда оёкларнинг асфальтга 30 см юқоридан тушишини назорат қилиб боришдай гап. Бу ҳолатлар кулгили туюлишидан ташқари, ҳаётда стандарт тилда сўзлаш баъзи англашилмовчиликларни, энг ёмони сунъийликни келтириб чиқаради.

Хеч бир соҳа кишиси ўз соҳаси бўйича ҳамма нарсани билмайди. Ҳамма ўз имконияти даражасидагина билади. Тил ўрганаётганда ҳам имконингиз етмайдиган нарсаларни ўзингиздан талаб қилманг. Ҳаммасига баравар уринманг. Қайсиdir ўринда ҳафсалангиз пир бўлиб қолса, бошлаган ишингиз ўлда-жўлда қолиб кетиши мумкин.

Менинг азиз тингловчим! Сабокларимиз деярли охирлаб бормоқда. Мен рисоламнинг охирги қисмида ўтган сабоқларимизни умумлаштирган холда айrim саволларингизга жавоб бермоқчиман.

Демак, сизнинг саволларингизга менинг жавобларим:

Тил ўрганиши жараёнидаги матрица нима ўзи?

Матрица - сухандонлар томонидан баланд овоз ва стандарт оҳангда ўқилган 20-30 чоғли диалог ва матнлар демакдир.

Матнларни қаердан танлаб олган маъқул?

Матнларни танқидчиларнинг ўткир назаридан ўтган қўлланмалардан олиш мақсадга мувофиқдир.

Тилни матрица ёрдамисиз ҳам ўрганса бўладими?

Албатта бўлади. Аммо матрица - тил ўрганишнинг энг осон ва қисқа йўлидир.

20-30 чоғли диалогларни деярли ёддан биладиган одам тилни яхши ўргангандан ҳисобланадими ?

Йўқ, матрица - бу тил ўрганишнинг биринчи босқичи холос. Агар диалоглар уларни тинглаш мобайнида ўз-ўзидан сизга ёд бўлиб қолган бўлса, бундан фақат қувониш керак.

25-30 та диалог ва матнни бирваракайига ўрганиш керакми?

Бу билан сиз «мен ярим кило пишган гўштнинг ҳаммасини лунжимга тиқишим ва ямламай ютишим керакми?», - дегандай бўлдингиз. Йўқ, азизим, ўзингизни асло азобламанг. Сиз гўштни оз-оздан кесиб олиб, оғзингизга солишингиз ва шошилмай, яхши чайнаб ейишингиз керак.

Сўз ва ибораларни тўгри талафуз қилишини қандай ўргансам бўлади?

Ҳарфларга қараб талафузни ўрганиб бўлмайди. Айниқса ёзилиши билан айтилиши орасида катта фарқ бўлган сўзларда бой тилларни ўрганаётганда. Ёзув - портретдай бир гап. У ташқи кўринишдан бошқа ҳеч нарсани

англатмайди. Түғри талафузга сўзларни баланд овозда ва аниқ айтишини такрор-такрор ўрганиш билан эришасиз.

Ижобий натижага эришиши учун битта диалог ёки матнни неча марта ишнглаш ва тақрорлаш керак?

Дастлабки босқичда битта диалогни «ҳазм қилиш» учун ҳафталар сарф бўлади. **Унутманг - ҳафталар!** Бу босқичда шошмашошарлик фақат мағлубият келтиради.

Бир диалогни эшиитаётганимда тақрор тинглаш учун магнитофондан диалогнинг бош қисмини қидириши мени жуда чарчатади, вақтимни олади. Бундай ҳолда нима қилишим керак?

Бу соф техник муаммо ҳисобланади. Битта дискка бир диалогни тақрор-такрор ёздириб олсангиз муаммо ҳал бўлади. Фақат диалог орасидаги пауза икки сониядан ортиб кетмаслиги керак. Диалог ичida эса умуман пауза бўлмагани маъқул.

Диалогларни матнга кўз югуртирган ҳолда тинглаш шартми?

Дастлабки кунларда бундай қилмаганингиз яхши. Эшитиш аъзоларингиз ёт оҳангларга

күникиб олгач, албатта шу усулни күллаш лозим.

*Машгулом мобайнида уйқу босиши
дангасаликдан дарак эмасми?*

Йүк. Утган сабокларда шарҳлаганимиздай, бу табиий ҳолат. Уйқучанликни бартараф қилиш учун қонда адреналин миқдорини күпайтириш керак. Матнларни бирор-бир ҳаракат билан машғул ҳолда тингланг.

*Матнлардаги жумла ва ибораларни,
гапларни айни ҳолича сўзлашув тилида қўллаб
бўладими?*

Бундай ўйламаслик керак. Тўғри, уларни сўзлашув тилида қўллайсиз, аммо айнан сухандонлар қўллаган услубда эмас. Сиз магнитофон ҳам, тўтиқуш ҳам эмассиз. Бир жумлани она тилингизга ўгириб, сухандон талаффуз қилгандай айтиб кўринг-а, фарқни дарров англайсиз. Нутқ - бу санъат. Сўзлашаётганда албатта нималарнидир яратасиз.

*Матрицани қанча вақтда тўлиқ якунлаш
мумкин деб ўйлайсиз?*

Олти-саккиз ойларда. Аммо аниқ муддатни айтиш қийин. Ҳаммаси фақат ўзингизга боғлиқ. Бунинг учун бир йил ёки ундан ортиқроқ вақт

сарф этишингиз ҳам мумкин. Мұхими ҳеч нарсаны эътибордан қочирмасанғиз бўлгани.

Бир ёки бир нечта тилни ўрганиши кишидан ўта зеҳнили ва ақлли бўлиши талаб этадими?

Асло ундей эмас. Миямни шундай хаёллар чулғай бошласа, мен ўз қобилиятларим ва меҳнатсеварлигим борасидаги ёқимли фикрлар билан ўзимга куч бағишлайман. Исталган муваффақият учун ўзингизни тақдир-лашдан чарчаманг. Бу муваффақиятлар ўзгалар назарида арзимасдай туюлиши ҳам мумкин. Аммо сиз ўз-ўзингизга жуда ҳам ақлли эканингизни уқтиришдан тортинманг (атрофдагиларга буни маълум қилиш сирам шарт эмас!).

Матрицадан бутунлай воз кечган ҳолда, бошқа йўллар билан (тинимсиз меҳнат ҳисобига бўлса ҳам) тилни мукаммал ўрганиши мумкинми?

Йўқ.

- Лекин ҳарқалай бошка тўгри йўл ҳам бўлишии керак-ку... -Йўқ!

Аммо мен китоб дўконида чет тилини чамаси икки ойларда тезкор усуллар билан ўргатишга асосланган кимматбаҳо қўлланмани кўрдим. Шундай усуллар бор экан, йиллаб машаққат чекишига на ҳожсат?

Сиз мустақил одамсиз ва ҳеч нарсага мажбур эмассиз. Мустақил қарор қабул қила оладиган ёшдасиз. Албатта, сизни ҳеч қаёққа олиб бормайдиган йўллардан юришга ҳам тўла ҳаққингиз бор.

Тилишунослик қоидаларини ёд олишига мажбурманми?

Йўқ. Бунинг ўрнига асар ўқиш сингари фойдали машғулот билан банд бўлганингиз маъқул.

Чет тилини қанча муддатда ўрганиши мумкин?

Тил ўрганиш учун маълум муддатни ҳеч ким белгилаб беролмайди. Аммо тўғри йўлдан борсангиз, билимларингиз бир йилда чет тиллар факультетининг З-курсида таҳсил оладиган аълочи талабанинг билимларидан ортиқ бўлса бўладики, асло кам бўлмайди.

Ишончли ва тайёр ҳолдаги матрицани қаердан топиш мумкин ?

Бунақасини ҳозирги кунда ушбу рисола муаллифидан олишингиз мумкин холос.

Бир-иккита матнни тинглаш, талаффуз ва таҳлил килишидан сўнг киши айни тил борасида нимадир ўргангандан ҳисобланадими ?

Йўқ. Ўн беш-йигирмата диалог устида узоқ ва қунт билан ишлаган одам ҳақидагина шундай дейиш мумкин. Аслида бу ҳам нисбий гап. Бу жараёнда аниқ чегарани белгилаш мумкинмас. Мен матрицани ўттизта диалог ва матнлардан тузишиңи таклиф киламан. Узоқ вақт қунт билан ишлаш ўзини оқлаган усулдир.

Матрицани тугатганимдан сўнг «марathonча ўкиш»га киришаман. Юзлаб, минглаб саҳифаларни ҳам баланд овозда, чиройли оҳанг билан ўкишим керакми?

Йўқ, баланд овозда, оҳангдор ўқиши факат матрица босқичига тегишли. Катта асарларни бу тахлит ўқиши жисмоний жиҳатдан ҳам иложсиз.

Матрица босқичидан ўқиши босқичига ўтганимдан сўнг, ўзимга тушунарсиз бўлган сўзларни қандай талаффуз киламан? Тушунарсиз сўзниң айнан таржимасини билмасам, унинг мазмунини матн орқали англашим кераклигини тушундим. Аммо унинг талаффузини қандай ўрганаман?

Хар қандай тилда сўзларни талаффуз қилишнинг ўзига хос мантиғи бўлади. Тилдаги сўзлар талаффузи оз микдордаги артикуляция намуналарига асосланади. Матрица босқичидан

сўнг бу намуналар сизнинг миянгизга мустаҳкам ўрнашиб қолади. Бундан ташқари хозир интернетда сўзларни тўғри талафуз қилишни ўргатувчи овозли луғатлар мавжуд. Бу тахлит муаммолар сизни фақат ишнинг бошидагина қийнайди холос. Вақт ўтгач, шу каби арзимас муаммолар билан ўзингизни қийнаганингиз ғалати туюла бошлайди, негаки бу вақтда сизда тил ўрганишнинг ҳозир тасаввурингизга ҳам сиғдира олмайдиган бошқа қийинчилик ва муам-молари пайдо бўлади.

Ҳаммага ўзи қизиқкан адабиётни ўқишини маслаҳат бердингиз. Мен адабий асарларни эмас, илмий услубдаги китобларни ўқишини хуши кўраман. Айтайлик, лойиҳа менежменти ҳақидаги китобни ўқимоқчиман. Аммо бундай китобларнинг тили анча илмий. Бу нарса тил ўрганишимга салбий таъсир кўрсатмайдими? Ёки илмий услубдаги китобларни ўқимай турган маъқулми?

Жавобим жуда оддий ва ўша-ўша. Қандай услубда битилганидан қатъи назар фақат ўзингизга қизиқ бўлган, эътиборингизни торта оладиган китобни ўқинг. Бошқалар билан ишингиз бўлмасин. Охири баҳайр бўлади.

Иероглиф ёзувли тилларни ўрганишда матрицадан фойдаланса бўладими?

Матрицадан барча тилларни ўрганишда фойдаланса бўлади. Иерог-лиф ёзувли тилларни ўрганиш ҳеч қачон осон бўлмаган ва уларни ўрганиш жараёни бироз кўпроқقا чўзилиши мумкин.

Сиз айтган усуллардан фойдаланишим менинг тил курсларига қатнашим ёки ўқитувчидан якка тартибда таҳсил олишимга монелик қилмайдими?

Сирайм монелик қилмайди. Тил курсларининг айрим масалаларда сиз учун фойдали бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Аммо сиз фикр қилинг. Ўзингиз учун фойдали бўладиган хуносага келишингиз лозим. Сизда танлаш имконияти бор. Ҳатто сиз тил ўрганиш жараёнини ўзингиз учун руҳий таскинга, психотерапияга айлантиришингиз ҳам мумкин. Мен ким бўлибманки, сизга буни таъқиқласам! Руҳий хотиржамлик ва соғлом фикр ўнта хорижий тилни ўрганишдан кўра муҳимроқдир. Мен буни жуда жиддий айтяпман.

Тил ўрганишининг дунё бўйлаб кенг тарқалган, муваффақиятли реклама қилинаётган ва фан

докторлари, профессорлар томонидан тавсия қилинаётган усуллари ҳақида нима дейсиз?

Бундай «ажойиб» усулларни санаб саноғига етиб бўлмаса керак, дейман. Уларни кўллаш мобайнида албатта қандайдир йўналиш, масалан, грамматиками, ўқиши, таржимами ёки луғат ёдлашми, биринчи даражали бўлиб колади ва бошқа йўналишларга деярли аҳамият берилмайди. Аслида буларни ҳар бирининг ўз ўрни мавжуд. Тил ўрганишда асосийси мутаносибликдир. Ахир сиз уй қуришда томнинг мустаҳкамлиги муҳимми ёки пойдеворнингми дея тортишиб ўтирмайсизку, шундай эмасми? Уларнинг қай биридандир воз кечгудек бўлсангиз уй битмайди. Аммо, уй қуриш учун энг аввало тамал тошини қўйиш кераклигини унутманг. Умуман, сиздан бир ўтинчим, ўзга услублар ҳақида мендан бошқа сўра-масангиз. Эҳтимол уларнинг қай биридадир соғлом фикрнинг учқунлари учраб қолар. Аммо менинг рисоламни ўқигач, миянгизда минг ваттли лампочка нур таратаётгандай бўлишига имоним комил.

- Рисолангиздаги фикрлар, тавсиялар жуда қизиқарли. Аммо чет тилини ўқитувчимизнинг фикрича...

Ақли одам тил ўрганишнинг замонавий усуларини ўликхона врачи (паталог-анатом)нинг усуллари билан солиштирадими? Ахир сиз бу касб эгасига рақс ёки бокс сирларини ўрганиш учун мурожаат қилмайсиз-ку. Тўғри, у жуда билимли, аммо унинг мияси одам организмининг энг кичик ҳужайраларидан тортиб, тери ва суюкларнинг тўқималари ҳакидаги турли-туман маълумотлар билан тўла. Кўлларида эса танани илма-тешик қилиб ўрганишга, текширишга мўлжалланган ялтироқ асбоблар, илмоқлар ва яна алламбалолар... .

Оксфорд томонидан тавсия этилган тил ўргатиш усуларичи? У ердаги курслар ва усулларда хато бўлиши мумкин эмас. Ахир бу Оксфорд!!!

Сизнинг Оксфорд, Кембридж ёки қандайдир Гарварднинг соясига салом беришингизни биламан. Сизни тушунишга ҳаракат қиласман. Ахир бизда бундай рефлексларни пайдо қилиш учун узок йиллар давомида муваффақият билан ҳаракат қилдилар. Афсуски, мен сизнинг бу оташин истагингизга шерик бўлолмайман. Чунки ҳар нимага сажда қилаверишдек иллатдан қутулганимга анча бўлган. Бу тахлит

машхур номланишлар билан мени ҳадеганда ҳайратга сололмайсиз. Машхур ном остида ҳам ҳеч қандай алоҳида ноанъанавий усулларни таклиф қилмайдилар. Уларнинг усуллари ҳам одатий кам натижали усуллардан деярли фарқ килмайди. Ҳа, машҳур даргоҳларимиз ҳеч қандай имло хатоларсиз, зиёли одамлар томонидан битилган қўлланмаларни чоп этадилар (таҳсинлар бўлсин!) ва албатта, бу китобларнинг сифати ҳам чакки эмас (агар улардаги сахифаларнинг икки ҳафтадан сўнг жилдан ажраб кетишини ҳисобга олмаса). Шунингдек, улар замонавий студияларда маҳоратли актёрлар томонидан ўқилган матнларни - сифатли аудио ва видеомаҳсулотларни ҳам таклиф қиладилар. Бу ҳам албатта, таҳsinga лойик. Аммо энг асосийси, буларнинг барини улар ўз машҳур жарангдор номлари остида таклиф киладилар ва сиз энди бу маҳсулотларнинг ишончли ёки ишончли эмаслиги борасида бош қотириб ҳам ўтирумайсиз. Сизга номнинг ўзи етарли!

Сизнинг оддий қаламдан кўра сиртига машҳур фирманинг номи зарҳал ҳарфлар билан ёзилган қаламни сотиб олишга ишқибозлигингизни тушунса бўлади. Аммо

афсуски, бу қалам қанчалик жимжимадор ва чиройли бўлмасин, у ўша ўзимиз билган оддий қаламдан ўзга нарса эмас, яъни у сизга компьютернинг ёки ҳатто оддий ёзув машинкасининг ҳам ишини бажариб бермайди. Ўша машҳур Армани, Версаче, Диора, Кембридж, Гарвард ёки ўзимизнинг Оксфорд номи остидаги қаламларнинг пештахталарда чанг босиб ётган оддий қаламлардан ортиқ жойи йўқ. Сиртига ёғоч ёки олтин қопланганидан ва қаерда тайёрланганидан қатъи назар дунёдаги ҳамма қаламлар бир хил вазифани бажаради. Ишонтириб айтаманки, Оксфорд «қалам»лари ҳам ўз ғояси, усули ва ҳоказоларига кўра сотувдаги бошқа «қалам»лардан фарқ қилмайди.

Яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Кейинги йилларда Оксфорд ва бошқа машҳур даргоҳларда «байналминаллик» руҳи устунлик қилмоқда, яъни, энди аудиоматнларни ҳиндлар, покистонликлар, хитойлар ва кўплаб бошқа миллат вакиллари европаликлар қулоғига умуман ёқмайдиган акцент билан ўқимокдалар. Ҳарқалай хеч ким инглиз тилини ҳинд-покистон-хитойча талаффузда ўрганишни истамаса керак, а лаббай?

Шарқ әртакларида халифалар халқнинг подшолар, уларнинг сиёсати ҳақидаги ҳаққоний фикрини билиш мақсадида кийимларини ўзгартириб, эл орасида бўладилар. Киши билмас ҳолда халқнинг фикр-мулоҳазаларини аниқлайдилар ва шунга биноан ўз бошқарув услубларини яратадилар. Ка-минаи камтарин ҳам шу муддаода вакти-вакти билан интернет «кўчалари»га кириб, тил ўрганиш санъати ва мазкур рисолам ҳақидаги кишиларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишиб бораман. Агар қарши бўлмасангиз, сиз ҳам чопонингиз белини махкам боғлангда, мен билан сафарга отланинг. Қани қулоқ солайликчи...

Мен мутахассислигим бўйича муҳандисман. Касбим тақозосига кўра чет тилини ўрганишимга тўғри келди. Ваҳоланки, менинг отам бутун умр инглиз тили бўйича ўқитувчилик қилган. Этикдўзнинг боласи этикка ёлчимабди, деганларидай мен ҳам тил ўрганишга анча кеч жазм қилдим. Аммо аниқ фанлар вакили сифатида мени чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш тизимидағи тартибсизликлар, бошбошдоқликлар жуда ранжитди, ҳафсаламни пир қилди. Мана икки йилдирки, бу соҳадаги тишга босгудек

маълумотларни, тавсияларни қидираман. Мен бу соҳа кишиси эмасман, шунинг учун ҳам менинг четдан туриб кузатишларим ва баҳолашларим холис бўлиши табиий.

Албатта бизга бу соҳада таклиф этилаётган юзлаб усулларни синчилаб текшириш мумкинdir, аммо нима учун? Николай Фёдорович Замяткин бизга энг тўғри йўлни кўрсатяптику. У ўз рисоласи орқали тилни айнан ўша тилда гапиравчилар (фақат ва фақат ўша тилда гапиравчилар!) томонидан ўқилган матнларни тинглаш ва англаш орқали ўрганишни маслаҳат бермокда. 25-30 чоғли овозли ёзувдаги матнлар -матрицадаги диалогларнинг ҳар бирини тил ўрганишнинг дастлабки чоғларида кунлар давомида бир неча соат узлуксиз тинглаш керак. Шундан сўнг яна бир неча кун давомида худди шу диалогларни ёзма матнга кўз югуртирган ҳолда тинглаш лозим.Faқат шундан кейингина баланд овозда (фақат баланд овозда) такрорланади. Чиройли, тўғри талаффузга эришмагунча бу жараён узлуксиз давом эттирилади.

Тўғри, бу усул бироз қийин, аммо самарали эканлиги билан кишини ҳайратлантиради. Мен

буни ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтапман. Бу жараёнда ким чидамли бўлса, ўша асл мутахассис бўла олади.

- Қайсиdir чет тилида қандай сўзлашишнинг қонун-қоидаларини билиш билан ўша тилда айнан шундай сўзлаша олиш ўртасида катта фарқ бор. Ҳар қандай мусиқашунос ҳам ўзи яхши англайдиган мусиқий асарни қойиллатиб ижро этиб бера олмаслиги мумкин. Тил ўргатиш усулларидаги асосий муаммо (биз бу ўринда тил ўргатишнинг ҳаққоний усулларини назарда тутяпмиз, асло чўнтакларимизгагина кўз тикадиган ғирром усулларни эмас) уларда фақат қандай сўзлаш кераклиги борасидаги қоидалардан иборат назарий билимларга зўр берилганидадир. Бу қоидаларни амалга тадбиқ этиш эса охирги ўринга тушиб қолган. Тилни профессионал даражада ўрганиш учун фақат сўзлаш, сўзлаш ва яна сўзлаш керак. Сўзлаганда ҳам баланд овоз ва тўғри талаффуз билан сўзлаш лозим. Бизни эса асосан (энг яхши ўқитиладиган ҳолларда!) фа-қат тушунишга ўргатадилар, қандай сўзлаш кераклигини ҳам ақл орқали, назарий жиҳатдан англаймиз холос. Тасаввур қилинг, сизга скрипкани кўрсатадилар,

бармокларни қаерга кўйиш ва қандай чалишни узок ҳамда батафсил тушунтирадилар. Сиз ҳам етук ақлингиз билан барини жуда яхши тушунгандай бўласиз, аммо ҳаммаси юзаки. Скрипкани кўлингизга тутқазишганда эса довдираб қоласиз.

1-3 ёшли хар қандай боланинг тил ўрганиш борасидаги туғма малакаси сиз билан бизнинг юзаки билимларимиздан кўра ўн чандон аъло. Улар ҳар қандай товуш ва сўзларни баралла овоз билан талаффуз этадилар. Бу босқичгача эса катталарнинг сўзлашларини узок вакт давомида қунт билан тинглаган эдилар. Кейин аста-секин гап туза бошлайдилар. Бу жараён боскичма-боскич муваффақият билан давом этади.

Таъкидлашдан чарчамайман, биз туғилибок она тилимизни энг тўғри усулда ўргана бошлаймиз, ваҳоланки, чақалокда бу борада ҳеч қандай билим ҳам, кўникма ҳам бўлмайди.

- Борис Сергеевнинг «Миянинг имкониятлари» китобидан: «Болакайлар нутқ товушларини, сўзларни нафақат талаффуз қилишни, балки уларни қабул қилишни ҳам яхши биладилар. Бу икки жараён бир-бири билан шундай чамбарчас боғлиқки, бири тўлик

бўлмаган ҳолда иккинчисини ўрганиб бўлмайди.

Миямизда товуш ва сўзларнинг «ҳаракатланувчи» ва «товушли» нусха-лари сакланади, лекин биз учун энг муҳими ҳаракатланувчи образлардир. Уларсиз нутқни қабул қилиш жараёни бир томонлама бўлиб қолади».

Бошқача айтганда, тилдаги (хоҳ она тили бўлсин, хоҳ чет тили) товушларни қабул қилиш ва фарқлаш учун ўша товушларни баланд овоз билан тўғри талаффуз қилиш, эшитиш ва дикқат билан тинглаш шарт. Тил ўрганиш жараёнида муваффақиятга элтувчи йўл нутқ аъзоларимиз орқали ўтади.

- Бу сухбатлардан қонун-қоидаларни билмаса ҳам бўлаверар экан, деган холосага келиб ҳам қоляпман. Аммо «бilmоқ» сўзи луғатимизда мавжудлигини ва кандай нарсани англатишини ёддан чиқармаган маъқул.

Масалан, мен марафонча югуриш нималигини яхши биламан. Тўғри ўзим югуриб кўрмаганман, лекин югуриш олдидан гавдани бироз олдинга (асло орқага ёки ёнга эмас) эгган ҳолда оёқларни олдинма-кейин қўйиб туриш лозимлигини, югуришга буйруқ берилгач,

қаттиқ нафас олиб олдинга ўқдай учиш кераклигини биламан. Миямдаги шу назарий тушунчаларимни қўллаб, ғалабага осонгина эришишим мумкин-ку. Назарий билим - катта куч!

Тўғри, мен буни ҳали амалда синаб кўрганимча йўқ. Агар зарурат бўлмаса, ўтирган ўрнимдан турмасам дейман. Югуришим шарт эмаслигини хам «биламан».

Велосипед миниш учун бу борадаги қоидаларни билиш шарт эмас. Ахир орангизда ким болалигида уч ғилдиракли велосипед минишдан олдин бошловчилар учун уч ғилдиракли велосипед минишнинг назарий қоидаларини ўрганган?

Чет тилида сўзлаётганда нутқ аъзоларимизнинг ҳар бир ҳаракати она тилимизда сўзлаётганимиздаги ҳаракатлардан кескин фарқ қиласди. Аммо Николай Фёдорович Замяткин тавсия этаётган усулдан ташқари ҳеч бир усулда бу масалага умуман эътибор берилмайди. Ваҳоланки айнан нутқ аъзоларининг тўғри ҳаракати тилни профессионал даражада ўрганишнинг пойдеворидир.

Тил ўрганишнинг бу энг муҳим жиҳати одатда ўрганувчиларнинг ўзига ташлаб қўйилади. Гўё у буни ўзи мустақил англаши ва ўрганиши керакдек. Бу нарса гўдакни пўртналар қутуриб ётган океан соҳилига олиб бориб, ўз ҳолига ташлаб қўйганча унинг ўзини ҳимоялаши ва сузишни ўрганишини кутишдай бир гап. Ёки айрим ҳолларда бу масалада қандайдир илмий қоидаларни ўйлаб топадиларки, бу қоидалар қоида муаллифларининг ўзларига ҳам тушунарсиз бўлади.

Николай Фёдоровичнинг мукаммал усули бизга нутқ аъзоларимизнинг ўзга тил талафзузи жараёнидаги энг сезиларсиз ҳаракатларини ҳам диалогларни баланд овоз билан қайта-қайта такрорлаш натижасида тартибга солиб олиш мумкинлигини исботлаб берди. Бу усулни инкор этиб бўлмайди!

Алоҳида олинган гапнинг такрор-такрор тингланишида ҳам катта мантиқ бор. Ҳар қайси тилдаги ҳар бир иборада товушларнинг тебраниши, оҳанги, айтилиши, тавсифи ва ҳоказо хусусиятлари борасида кўп маълумотлар бўлади. Бу ахборотларни болакайлар жуда осон ўзлаштириб оладилар. Афсуски, илмий

қоидаларга ўралашиб қолган катталарда эса бу масалада «яланғоч» фикрдан ўзга нарса йўқ.

Матрица жуда кўп вазифаларни (грамматик, лексик ва ҳоказо) бажаради, аммо унинг энг асосий вазифаси чет тилидаги товушларнинг «сирини очиш»дир.

Матрицани тинглаш жараёнидаги асосий мақсадимиз сўзларни ўрганиш ва фикрни англаш эмас (албатта, бу ҳам таъкиқланмайди). Диалогларни тинглаш мобайнида бегона товушларни таний бошлаймиз. Улар аста-секин бегона эмас, ўзимизники бўла бошлайди.

Дастлаб шовқиндан бошқа нарсани англатмаган товушлар кундан-кунга биз учун тушунарли ва қадрдон бўлиб боради. Уларнинг бизга ҳеч қайси дарслик ва ўқитувчи ўргата олмайдиган оҳангини ҳис қиласиз. Ҳа, буни фақат ҳис қилиш мумкин!

Айнан мана шу ноанъанавий ва шу билан бир қаторда самарали усул - Николай Фёдорович Замяткин усулинини барча тил ўрганувчилар учун тавсия этган бўлардим.

-«Ўн учинчи жангчи» фильмини эслайсизми? Ўша фильмда бир кўриниш бор. Антонио Бандераснинг қахрамони гулхан ёнида исқирт викинглар даврасида ўтирган пайтида

викинглар уни ўз тилларида камситиб, мазах қиласидилар. Ҳеч кутилмаганда у викингларга уларнинг тилида жавоб қайтаради. Викинглар ҳайрат ва қўрқувдан қотиб қоладилар. Ахир у ҳозиргача бу тилдаги бирор жумлани ҳам билмас эди-да! Викинглар ундан тилни дарров қандай ўрганиб олганини сўрайдилар. У жавоб беради: «Мен тингладим!»

«Мен тингладим!» - мана ўзга тил хазинасининг калити!

- Агар чиройли рақс тушишни ўрганишни истасанг, маҳоратли раққоснинг ҳаракатларини диққат билан кузат ва уларни такрорла, асло рақс ҳаракатларининг қоидалари ва яна аллақандай назариялар билан ўралашма!

Чиройли ва бехато сўзлашни ўрганишни истасанг, лексикаси, грамматикаси, талаффузи мукаммал бўлган нотиқни тингла, унга таклидан такрорла! Такрорлаганде ҳам баланд овоз билан, ўхшатиб такрорла! «Ундай қилиш керак экан», «бундай айтиш керак экан», деган қоидалар билан каллангни тўлдирма! Ҳаммаси амалда бўлсин!

- Дастлабки кунларда диалогларни тинглашга кўпроқ вақт ажратиш лозим. Кейин кўп кунлар давомида диалогларни баланд овоз

билан (**асло пицирлаб эмас!**) сухандонга жўровоз ҳолда такрорлаш керак. Бу жараён қийналмай, сухандондан ортда қолмай талаффуз қиласиган бўлгунингизгача давом этсин. Диалогларда ўрганилаётган тилдаги барча товушлар иштирок этади ва сиз энди уларни қийналмай, моҳирлик билан талаффуз эта оласиз.

Матн устида иккинчи босқичда ишлайсиз. Асосийси, эътибор билан тинглаш, баланд овозда такрорлаш (**фақат баланд, баланд, баланд овозда!**) Биринчи босқичда нутқ аъзоларимиз шу йўл билан миллионлаб турли ҳаракатларни бажаради. Ҳеч қачон пицирлаб, шивирлаб, минғирлаб ўр-ганманг. Бу нарса ўз-ўзини алдаш, чет тилида сўзлашни хаёлан ўрганишдан бошка нарса эмас. Тилни профессионал даражада ўрганишнинг бошка тўғри йўли йўқ.

Матрица усули - соғлом фикр маҳсулидир!

- Болалигимда бир мусиқий асбобни чалишни ўрганишимга тўғри келган эди. Бармоқларимни бу ишга кўнигириш учун ойлаб тер тўкканман. Ёшим улғайгач бошка бир мусиқа асбобини чалишни ўрганишни ўзим хохлаб қолдим (ўрганишимга тўғри келгани йўқ,

ўзим ўрганишни истадим). Бу сафар бармоқларимни кўнигиришга умуман қийналганим йўқ, уларда мавжуд кўникма бор эди. Николай Фёдорович Замяткин усулида ҳам хар бир диалог устида мусиқа асбобини чалишни ўрганганимдай тер тўкяпман. Бу ерда ҳам ҳаммасини осон ва чиройли ижро этмагунингизгача машғулотларни давом эттираверасиз. Ижро асбоби эса сизнинг ўзингиз - овозингиз ва нутқ аъзоларингиз.

Албатта қаттиқ ишлашга ўзингизни фақат ўзингиз кўнигира оласиз холос. Қанча истасангиз шунча ишлайсиз! Бу машғулот жуда кўнгилли, кишига беадад роҳат бахш этади.

- Кришна ўзидан «аниқ билим» талаб қилган шогирдларига шундай деган экан:

«Сиз бу боқقا мевалардан тотиш, табиатдан баҳра олиш учун келгансизлар. Шундай экан мевалардан енг! Улар шундоққина қўл узатса етгудай жойда турибди! Сиз бўлсангиз дарахтлардаги мевалар ва барглар сонини ҳисоблаш билан оворасиз!»

Матрица усулида ҳам шундай: сиздан қўшимчалар, сўз туркумлари ва ҳоказолар устида бош қотириш талаб қилинмайди (шуни ҳам унутмаслик керакки, грамматикани соғ

ҳолда ўрганиш таъқиқдланмайди, факат бошланғич босқичда бу сизга халақит беришини ҳисобга олган ҳолда уни бироз кейинроққа қолдирамиз), аксинча сиз тилни амалда қўллайсиз, унинг имкониятларидан баҳра оласиз.

Матрица - гўё кичкина моторча, стартёрга ўхшайди. Тил эса катта бир двигател. Биргина стартёр билан узокқа бориб бўлмайди, албатта. Аммо стартёрни олиб қўйсангиз двигател совуқ ва ҳаракатсиз асбобга айланиб қолади.

Николай Фёдорович Замяткиннинг тавсиялари ва усуслари инсоннинг ички имкониятларига таянади. У киши онгида ўзига хос инқилоб ясади. Ҳар кунги тўхтовсиз машқлардан сўнг тил матрицаси сўзсиз ўз самарасини беради ва чет тилини ўрганишга айнан шундай ёндошиш кераклигини юракдан англаб етасиз.

Ҳа, тил ўрганишга айнан шундай ёндошиш керак, асло ўзгача эмас!

Менинг энг яқин дўстимга айланиб улгурган ўқувчим! Сиз ўзга тил дарвозасини аста очар экансиз, дастлаб зулматдан бошқа ҳеч нарсани кўрмайсиз. Қўлларингиз билан нималарни дир пайпаслайсиз, аммо ҳеч нарсани ушлаб

қололмайсиз. Олдинга юриб күрасиз, лекин назарингизда бир жойнинг ўзида айланаётгандай бўласиз. Шу тариқа зулмат билан жангингиз бошланади. Зарбаларингиз ҳавога учади. Айни дамда сизга таянч нуқтаси керак. Матрица - сизнинг таянч нуқтангиздир. Бу қоронғу-ликда сизга менинг тавсияларим ва сабокларим йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қиласиди. Сиз бу соҳада мен билган ва муваффақиятга элтувчи ҳамма нарсани билиб олдингиз. Бу чакана иш эмас. Сиз энди тилни ҳис қила бошлайсиз. Ҳаракатларингиз қатъийлаша боради. Кучингизни иккинчи даражали ёки умуман кераксиз нарсаларга сарф қилиб ўтирмайсиз. Боши берк кўчаларда бесамар кезмайсиз. Қўлингизда аниқ ва пухта ишланган, сизни муваффақият сари элтувчи харита турибди. Тавсия этилаётган ушбу усулнинг энг майда жиҳатлари ҳам пухта ўйланган. Ишга бор кучингиз билан киришсангиз, тилни ўзингиз ўйлаганингиздан ҳам тезроқ ва яхшироқ ўргана оласиз.

Бу йўлнинг тўғрилиги борасида шубҳаланингизга ҳожат йўқ. Негаки бу усул амалда муваффақиятли синовдан ўтган ва жуда

ишенчли. Яқин орада бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

Сизга муваффақият тилайман!

Омад тиламайман, негаки, тил ўрганишда у умуман керак эмас. Қийинчиликлардан қўрқмаслик, меҳнатсеварлик, ўз-ўзига ишонч ва қатъийлик - мана сизга энг кераги!

Хуллас, менинг қадрдоним, Сизга факат ва фақат муваффақият тилайман!

Мана, азиз сухбатдошим, бизнинг қизғин ва сермазмун сухбатларимиз ҳам ўз ниҳоясига етди. Бахтилизгами ё бахтга қаршиими, ишқилиб ҳамма нарсанинг ўз ибтидоси бўлганидай, интиҳоси ҳам бор. Қани, борақолинг, ишга киришинг.

Меҳнат қилиб, бўстон яратинг. Қисқагина дам олиш чоғларингизда рисоламни қўлга олинг, ҳамсуҳбат бўлайлик. Сизсиз мен ўзимни жуда ҳам ёлғиз ҳис қиласман... .

Ҳеч шубҳа йўқки, менинг меҳнатсевар дўстим, орадан йиллар ўтиб сиз битта, учта, бешта, борингки ундан ҳам кўп хорижий тилларни ўрганиб олгач, бу ажиб дунё билан янада кенгроқ танишгач, англаб етасизки, сизнинг асл тилингиз - ўз она тилингиздир. Ҳеч

нарсага алмашмайдиган бебаҳо бойлигингиз - она Ватанингиздир!

Менинг ёш ва орзулар қанотида учиб юрган, бегона соҳилларни забт этиш иштиёқида ёнаётган ўқувчим, сиз ҳозир бунинг асл маънисини англаб етмайсиз ва бунинг учун мен сизни койимайман. Негаки, сиз ҳали катта йўлнинг бошидагина турибсиз холос. Ҳа, дўстим, фақат бошида... .

*Подольск-Елань- Сиэтл-Подольск... . 2006
йилнинг баҳор ва ёзи.*